

## **БУ МЕНИНГ ОТАМДИР**

### **Шайх Муҳаммад Саид Рамазон Бутий**

-1-

Мархум шайх Муҳаммад Саид Рамазон Бутийнинг “Бу менинг отамдир” китоблари... Бу машхур китобни узоқ вақт излаганим ҳамон ёдимда. Фарзандини машхур имомдек тарбиялашни қасд қилган кўпчилик ушбу китоб шайдоси эди. Қолаверса шайх “Ҳикматлар” шарҳи ва кўп маърузалари асносида оталари ҳақида айрим ҳаётий лавҳаларни айтиб ўтардиларки, киши шуурида буюк имом ортларида буюк ота турган, деган фикр гавдаланарди. Шундан “Бу менинг отамдир”ни таржима қилишни анчадан бери дилимда тугиб юрардим. Лекин шунча муҳим ишлар турганда мазкур таржима шартмикан, деган истиҳола ҳам йўқ эмасди.

Бу истиҳоламни қуйидагилар йўққа чиқарди:

1. Аллоҳ Ҳуд сурасининг 120-оятида айтади: “(Эй Муҳаммад), сизга пайғамбарларнинг хабарларидан дилингни мустаҳкам қиладиган қиссаларни сўйлаб берурмиз ва бу қиссаларда сизга ҳақиқат ва панд-насихат ҳамда барча мўминлар учун эслатмалар келди.” Демак солиҳлар ҳаётидаги ибратлар Аллоҳни қасд қилган муридлар учун йўлларида дастак ва далда бўлар, бундай қиссалардан мўмин киши ўзига панд-насихат олар ва ҳам дилини мустаҳкамлар экан.

2. Улар тимсолида мўмин динга амал қилган солиҳ инсонни ва тирик суннатни кўради. Дин таълимотлари китоблардаги сатрлар ёки ваъзлардаги сўзлар эмас, балки амалга ошириш мумкин бўлган ишлар эканини биледи.

3. Қолаверса виртуал ва реал ҳаётдаги дўстларимизнинг ундовлари менинг охириги иккиланишларимга барҳам берди. Шу сабабли Аллоҳдан тавфиқ ва сизлардан эса дуо сўраб таржимага киришдик...

### **Туғилишлари, ўсмирликлари ва илм талаби**

Отамнинг таваллудлари туғилишни қайд этиш дафтарчасига кўра 1888-йил, Бутан жазирасига қарашли Жилка номли кичик қишлоқда бўлган. Бу оролга арабчасига Ибн Умар жазираси деб ном қўйилган бўлиб, у Туркия худудига дохил эди. Суриянинг Айни Дивор шаҳарчасидан кўриниб турарди. Асли исмлари Рамазон бўлган, лекин мулла Рамазон деб танилганлар. Кўпчилик одамлар исмлари Мулла, кунялари эса Рамазон бўлган деб ўйлаб юришарди. Шундан шайх Мулла деб чақиришарди.

Отам миллати курд бўлган ота-онадан дунёга келгандилар. Оталарининг исми Умар, боболариники эса Мурод бўлган. Мен насабимиздан бундан бошқа тафсилотни билмайман. Бу тўғридаги айрим тафсилотларни сўраганманда, бунга унча эътибор қилмаслик кераклигим маълум бўлган. Чунки инсон мозий зулматларида насаб йўлини хатога йўл қўймай аниқлаши қийин иш экан. Бу изланишда чуқур кетишдан воз кечган маъқул. Ибн Вирдий бунга ишора қилиб, шундай дейди:

Аслим ва фаслим дема ҳеч қачон, балки йигитнинг асли— қозонгандир.

## Болалик чоғи

Отамнинг боболари деҳқон бўлиб, кўп вақтларини далада, зироат ишлари билан ўтказардилар. У кишининг болалари ва неваралари олдида бундан кўра яхши иш йўқ эди. Масалан, неваралардан бири болалик чоғида баъзи ҳожатларини ўзи мустақил чиқара оладиган бўлиши билан деҳқончиликка, хўжалик ишларига ёрдам беришга йўлланарди. Отам бу ҳолатдан ҳам болаликка тааллуқли бебошликларига фурсатни ғанимат биладилар. Лекин оналари солиҳа ва тақводор аёл бўлганларидан отамнинг ўқишига ва талаби илмга ўтишларига қаттиқ ҳаракат қилдилар. Ва ниҳоят эрларини бунга кўндира олдилар.

Отам раҳимахуллоҳ айттардилар: “Бир муддат бобомнинг далада у киши билан ишлашимга рағбатлари билан, ота-онамнинг мени ўқитиш ва талаби илмда юришимга бўлган қасдлари ўртасида қолиб кетдим. Лекин мен ўша пайтда дарс ва ёзиш мажбуриятидан қутилиб, бобомга дала ишларида ёрдамлашишни баҳона қилиб, тенгдошларим билан бирга ўйинқаролик қилиб юришдан роҳат топардим.

Ўқишдан кўнглим тўлмаслигининг яна бир сабаби, унга энди киришганим сабабли, унда ўзига жалб қиладиган ва қизиқтирадиган ҳеч нарса йўқ эди. Шунда отам менга қалам, сиёҳ ва ёзув қоғозлари сотиб олиши учун бир кишини оролга юбордилар. Мен уни интизорлик билан кута бошладим. Бу одам тўсатдан менга қамишли қалам, сиёҳдон ва қоғозлар олиб келгани қалбимни сурур ва хурсандчиликка тўлдирди. Чунки мен кичкина бўлганим ҳолда, мазкур нодир ашёларнинг эгаси бўлиб қолгандимда!”

\*\*\*

Онадўли минтақасидаги курд қишлоқлари жаҳолатдан, маданият ва маърифатга ташналиқдан озор чекарди. У ерларда расмий мадрасалар жудаям кам эди. Лекин шунга қарамай курдлар араб тилини ўрганишга ва шариати исломий илмларини қозонишга жуда иштиёқманд эдилар. Шу сабабли ўзаро ўрталарида хужралар силсиласини барпо қилишганди. Бу хужралар кўп ҳолатларда масжидлар қошида бўларди ва уларни мадраса деб аташарди. Бу хужралар талаби илмга, тил ва дин билимларини ўрганишга чанқоқ толибларни ўз бағрига оларди. Бу толиби илмларнинг таълимига кўнгилли равишда уламолар бел боғлашарди. Улар таълимий фаолиятларини тўлиқ қониқиш билан олиб боришарди. Мадрасаларда таҳсил битта шайхга эргашиладиган таълим услубига мувофиқ йўлга қўйилганди.

Қишлоқ аҳолиси талабаларга керакли озуқа маҳсулотларини, кирларини ювиб беришни ва уларга керакли турли хизматларни бажаришни бўйинларига олишганди. Бу ишларни улар заррача марҳамат қилганлик ёки миннат ҳисларисиз, гўё бўйинларидаги вазифалари ўлароқ шуур билан бажаришарди. Ибн Умар жазираси қишлоқлари бу нав мадрасалар билан лим тошган ва толиби илмлар билан лик тўлган эди. Бу мадрасалар ва бу толиблар бошида ана шундай мадрасаларни битирган таниқли уламолар турарди.

-2-

Аллоҳ таоло отамни болалик чоғидаёқ деҳқончиликдан, отаси ва бобоси билан далада ишлашдан ажратиб ёзиш ва Қуръон қироатини ўрганишга, сўнг ишора қилганим мадрасалардан бирида таҳсил олишга йўллади.

У кишининг мана шу таҳсил даври воқеаларидан унчали хабардор эмасман. Лекин менга бир неча маротаба сўзлаб берганлари учун шуни биламанки, мадрасаларидан манфаат олиш учун отам бир неча қишлоқда кўчиб юрганлар. Кўп шайхларга шогирд тушиб, анча мадрасаларда таълим олгандилар. Чунки уларнинг ҳар биридан ўзлари эҳтиёж сезган

жиҳатларни ўрганардилар. Чекланган жомеъий услуб, эркин илмий таҳсил ўрнини эгалламасдан бурунги шайхлардан таълим олиш йўсини шунақа эди.

Ҳозир отам раҳимахуллоҳ таълим олган шайхлардан уchtаларининг номларини эслай оламан. Улар турли жойлардан эдилар: Биринчилари шайх Сайдо номи билан машхур шайх Муҳаммад Саид Сайдо, иккинчилари Сайид Муҳаммад Фанадкий бўлиб отам у кишининг илм ва тавозуъини таърифлаб юрардилар. Бул зотни қирқинчи йилларда Димашқдан Байтуллоҳул-ҳаромга юриб кетаёганларида кўриш менга ҳам насиб қилган. Буларнинг учинчилари мулло Абдуссалом бўлиб, доим устозим мулло Абдуссалом дея дуо қилардилар.

### **Курдларнинг шаръий илмларни ўрганишдаги услублари**

Умуман ажамлар, хусусан курдлар ислом илмларидан восита илмларига қаттиқ эътибор қаратишган. Восита (шаръий илмларга восита бўлгани учун шундай номланган) илмлари деганда арабий илмлар назарда тутилган бўлиб, унга сарф, нахв, балоғат, мантиқ ва шакл илми кабилар кирган. Қайси курд мадрасасида бўлсин илм талабига киришган толиб, биринчи бўлиб илмни феълларнинг тасрифидан бошларди. Бу сарф илмининг энг асосий ва энг муҳим қисмидир. Бу фаннинг бошқа масалаларига кейин эътибор қаратиларди. Бундан сўнг курдлардан бошқалар камдан-кам мурожаат қиладиган ўта қийин китоблар силсиласида нахв илмини ўрганилади. Толиб бу силсилада охири ўқийдиган китоби Кофияга мулло Жомийнинг шарҳи бўларди.

Шаръий илмларга келсак, ақоидга жуда ихтимом қилишган. Бунда охири ўқийдиган китоблари “Ақоидун-Насафийя” бўлган. Сўнгра тафсирга ўтишган. Тафсир китобларидан энг эътибор берганлари Қози Байзовийнинг тафсирлари бўлган. Кейин фикҳ ўқишган. Бу фанда муътамад китоблари муҳаққиқ имом Ибн Ҳажар Ҳайтабийнинг имом Нававийнинг “Минҳож”ларига шарҳ – “Тухфатул-муҳтож” бўлган. Ушбу китоб толибларнинг мазкур фанда тўхтайдиган охирги бекатлари бўлган.

Усулул-фикҳдаги манбалари Ибн Субкийнинг “Жамъул-жавомий”ига Жалол Муҳалийнинг шарҳи бўлган. (Орол аҳли асосан шофеъий мазҳаб бўлишганидан юқорида мазкур китобларни ўқишган – тарж.) Булардан кейин ҳадис илмлари, мусталаҳи, сийрат, Қуръон илмлари, қиёсий фикҳ, тасаввуф ва адаб илмларини таълим олишган. Бу илмларга кам эътибор қаратишган. Балки кўп уламоларининг ҳадис ва сийратдаги илмий захираси ўта кам ёки умуман бўлмаган.

Уларнинг бошқа илмлардан кўра восита илмларига эътибор қаратишларининг асосий сабаби ажамлик тўсиғини ҳис қилганлари эди. Уларнинг ишониларича, бу тўсиқни арабий илмлар, хусусан сарф илми, арабча сўзлаш калити – феъллар тасрифи билан бошлаш орқали бартараф этиш мумкин эди. Маъоний, баён ва бадий илмлари ажамлик тўсиғини енгишни охирига етказувчи илмлар эканига шубҳа йўқ эди. Мантиқ, мунозара ва шакл илмлари эса уларга марғуб илмлар – ақоид ва тафсирлар мантикий далиллар, мунозара ва шакл илмларининг турли услубларига бой бўлгани учун керак бўларди.

Отам ҳам айна шу услубни лозим тутиши, бор эътиборини восита илмларига қаратиши ва шариат илмларида ҳар илмдан битта китоб билан кифояланадиган усул билан чекланиши керакдек эди. Аммо у киши восита илмларини ишончли манбаларидан олгандан кейин одатдаги анъанавий услубдан ташқарига чиқа бошладилар.

Илм талабида ўтган кунларини ва шайхлардан илм олиш сафарларини зикр қилган пайтларида кўп марта менга айтардилар: “Талабаларнинг аксари шариат илмларидан гапдонликка ишқибоз эдилар. Уларнинг бор ғамлари қийин масалаларни ҳал қилишда ва фикҳий алғоз (топишмоқ)ларни ечишда тенгдошларига мақтаниш эди. Аммо менинг эътиборим ишончли матнларини ёдлаш ва белгиланган китобларни ўрганишга қўшимча бошқа нарсаларга ҳам эди...”

Бор эҳтимоимни Қуръон тартили ва тажвидига қаратдим. Ичимда ғойибона уни ёдлашни орзу этардим. Амалда шундай бўлди ҳам, Қуръон ҳифзини жуда эрта бошладим. Фикҳ илмидан сулуқимга тегишли ибодатлар ва ҳукмларини ўрганишга эътибор қаратдим. Тасаввуф китоблари мени ўзига тортарди. Имом Ғаззолийнинг “Ихёу улумид-дин” китоблари қўлга киритган ва ўқишга муккасидан кетган китобларимнинг аввалгиларидан эди. Шунингдек набавий сийратни ўрганишга ҳам шўнғигандим. Кўнглимда нафл тоат-ибодатларга рағбат уйғонганди. Энг катта орзуим бар вақтга эга бўлсамда, у сабабли тунги намозга ёрдам олсам эди. Менинг бу орзуим рўёбга чиққач, у мислизи хурсандчилигимга боис бўлди.

Талабаларнинг аксари менинг бу ишларимни масхара қилишарди. Мени чуқур кетиш, тақаллуф қилиш ва баъзида катта шайхларга тақлидда айблашарди. Мени бу йўлга ўтганимни улар матнларни ёдлашда ва илмий масалаларни ечиш, муаммо ва ишораларни ҳал қилишда улар билан тенглаша олмаслигимдан деб билишарди.”

Отам сўзларида давом этадилар: “Ҳақиқатда бошқа мажбуриятларимдан ташқари мен кўп вақтимни Қуръон тиловати, зикрлар ва вирдларни ёдлаш, нафл ибодатлар ва тун намозига сарфлар эдим. Талабалар эса вақтларининг ҳаммасини матнларни ёдлашга, дарсларини тайёрлаш ва такрорлашга ишлатишарди. Бундан келиб чиқиб мен улардан илмий малака, масала ва ҳукмларни ёдлашда ортда қолишим керак эди. Фикримча бир муддат шундай бўлди ҳам. Шайхлару толиблар наздида мен малака ва имконияти чекланган бола эдим. Кунлардан бир кун шайхлардан бири (отам менга бу шайхнинг исмини айтгандилар, афсус мен унутиб қўйдим. – муаллиф) навбат билан ҳаммамизга савол бериб, имтиҳон қила бошлади. Менга юзланиб мураккаб иборалардан хоҳлаганича савол бера бошлаганда, Аллоҳ мени тўғри жавобларга илҳомлантира бошлади. Шунда менга қараб шайх деди: “Дарҳақиқат сен олиммас эдинг. Лекин Аллоҳ сенга олим бўл, деди, олим бўлдинг..!”

Отам менга илм талабидаги бу ҳолларини бир неча маротаба гапириб бергандилар. Бу билан падари бузрукворим мени Аллоҳ азза ва жалланинг: “Аллоҳдан кўрқингиз! Аллоҳ сизларга билдирур.” (Бақара сураси, 282-) оятининг маъносига рўбарў қилмоқчи ва шаръий илмлар талабида касб қилишлик мақомига қулашдан огоҳлантирмоқчи бўлардилар. Ваҳоланки бугунги толиби илмларнинг кўпчилиги шундай ҳолда...

Менга бу сўзларини кўп такрорлардилар: “Ҳафта давомидаги дарслар машаққати сабабидан жума кечаси роҳат кечаси ҳисобланарди. (Бундан жума дам олиш куни экани ва жума кечасидан пайшанба кечаси мурод эканлиги тушунилади. – тарж.) Зеро у дам олиш ва роҳат куни бўлмиш жумага тугашдир. Талабалар ушбу тун тонггача бедор бўлардилар, уни ўйин-кулгу, рақс ва ҳазил-мутойиба билан ўтказардилар. Ҳатто шу даражада чарчардиларки, оғир уйқу сабабидан бомдод намозини қазо қилишарди ва тонг отгандан кейин ҳам ухлаб ётишарди”.

Шариат толиблари ҳафтанинг энг афзал тунини ўйин ва бекорчиликка сарфлаб, сўнг жума бомдодини вақтида ўқишга бепарво бўлишларини отам менга аччиқ афсусла сўзлаб берардилар...

(Давоми бор)

Биз билган ва билмаган неъматларнинг барчаси учун, биз билган ва билмаган хамдларнинг ҳаммаси Аллоҳга бўлсин!

Салавот ва саломнинг афзали саййидимиз Муҳаммадга, олига ва жамиъ саҳобаларига бўлсин!

Аллоҳим мени тўғри йўлга илҳомлантиргин, ҳалокатли тойилишлардан сақлагин. Қалбимни нуқсонлардан поклагинки, амалимнинг ҳаммаси Сенинг розилигинга ҳаракат учун бўлсин. Албатта Сен ҳамма нарсага Қодирсан!

## Биринчи чоп муқаддимаси

Аллоҳ азза ва жалла бошқа китобларимдан кўра бу китобни одамларнинг оммасию хоси хузурида ажиб бир қабул билан сийлади. Балки илмга ёки исломий китобларга ҳеч эътибори йўқ – адашган ва дарбадарлар ҳам бу китобга ошно бўлишди, ўқишга мук тушишди.

Шубҳа йўқки, бундай алоҳида тарқалиш ва қабулнинг сирри бу китобнинг мавзусида намоёндр. У ҳам бўлса менинг отам ва у кишининг ишлари ва ҳолатларини ўз ичига олганидандир. Муаллиф ва ёзувчининг шахсига тааллуқли бирор бошқа сабабда у намоён бўлмайди. Агар Аллоҳ лоқайдни уйғотадиган, дарбадарни қайтарадиган, унутган ва ғофилга эслатадиган иш ва ҳолларга мени даллол ёки воситачи қилган бўлса, бу билан олдида дунёнинг бошқа хазинаю яхшиликлари эриб, кичрайдиган катта ютуқ билан мени ҳурматлаган бўлади.

Ўқувчилардан бири: “У кишининг ҳаммага маълум кенг фикҳий малакаларини очиб берадиган фатво ва раъйларини ҳам китобда келтириб ўтганингизда ҳуда яхши бўларди”, деди. Мен унга шундай дедим: “Бу иш фақат бир мақсадга суянади, у ҳам бўлса, у кишининг мўл илмию дақиқ фикҳий маълумотини кўрсатиб қўйишдир. Мен биламанки, бу дунёвий ташвиқот бўлиб, бу нарса отамни ҳаётликларида хурсанд қилмаган бўлса, вафотларидан кейин ҳечам рози этмайди”.

Бу китобни ўқиган ва энди ўқимоқчи бўлган кишилар билишсинки, мен отам ҳаётларининг таржимасига, ҳоллари ва ишлари ҳақида сўзлашга уни муқаддаслаштириш ёки ғурурланиб юриладиган маноқиб ёзиш қарори туфайли киришмадим. Балки мен бунда воқеълик тарихчиси, ҳақиқат хабарчиси ва инсон ҳаётининг таржимониман холос. Шу сабабли мен сўзлаган ва хабар берган нарсаларимда рост ва дақиқ бўлишдан бошқасига қизиқмадим. Бу таржимаи ҳол ва ишлардаги воқеълик билан, айрим ёки кўп одамларнинг феъл- атворлари ўртасида бўладиган мувофиқлик ёки номувофиқликка мен жавобгар эмасман.

Лекин Аллоҳ азза ва жалладан ҳаммамизни ҳақни танитиш ва унга боғлиқ қилиш билан, ботилни танитиб, ундан сақлаш билан икром этишини, ҳамда барчамизни Ўзининг розилиги йўлида юрғизиб қўйишини сўрайман. Зеро У сўралувчиларнинг энг икромлисидир!

-3-

## Тузалмас дард ва ажиб туш

Отам раҳимаҳуллоҳ ҳаётларининг бу босқичида тузалмас дардга йўлиқдилар. Бу дард у кишини ўлим остонасига яқинлаштирди. Фикримча бу сувчечак касаллиги бўлган. Бу дардга неча ёшларида йўлиққанларини эслолмайман, лекин йигирмадан ошмаганлари аниқ эди. Отам раҳимаҳуллоҳ айтадилар: “Мана шу касаллик кучайган пайтда ўлим фариштасини ўз кўзим билан кўрганман!”. Бизга бир неча мартаба айтиб берган ва мажлисларида тез-тез бўлиб турадиган дўсту ёрлари ҳам эшитишган бу ажиб хабарни сизларга ривоят қилиб бераман:

Отам раҳимаҳуллоҳ айтадилар: “Касалим зўрайиб уйдагилар тузалишимдан умидларини узишди. Қариндошлар ва кўргани келганлар атрофимда, мен эса тўшакда ётгандим. Бир вақт хонага ҳайбатли бир киши ва ортидан хизматкори ё ёрдамчисига ўхшаган яна бошқа киши кириб келишди. Мен бу кишини солиҳ ва фазилатли ўйлаб, қўлидан ўпиш учун ўрнимдан туришга ҳаракат қилдим. Лекин у киши: “Бизнинг мақсадимиз сен эмас, балки қўшнинг Ёсинни излаб келдик”, дея ортга қайтди. Улар кўзимдан ғойиб бўлишганда,

ўтирганлар менга: “Сенга нима ташланди? Нима нарса сени ерни ўпмокқа мажбурлади?”, дейишди. Мен: “Ерни ўпганим йўқ, олдимизга кирган шайхнинг қўлини ўпишга ҳаракат қилдим холос. Лекин у қўшнимиз Ёсинни мақсад қилганини айтиб, ортига қайтди”, дея жавоб қилдим.

Улар шунда: “Ёсин ҳозир вафот этди, кўтарилган овоз мана унинг ҳовлисида чикяпти”, дея қичқирворишди”. (Ёсин сувчечак билан оғриган ён қўшнимиз эди).

Отам айтадилар: “Бу ҳайбатли шайх яна бир марта олдимга келди. Унинг ёнида бошқа киши бўлиб, елкасига ҳайвонинг терисига ўхшаган нарса ташлаб олганди. Бу сафар у мен томон йўналиб, мени қўли билан маҳкам ушлади. Каттиқ қўрқиб кетдим, отамни ёрдамга чақириб қичқирдим. Қарасам отам мени ундан ҳимоя қилиш учун ўзига тортяпти... Сўнг бу икки киши кўздан ғойиб бўлишди. Қарасам атрофимдаги одамлар аҳволимдан дахшатга тушишган. Улардан бири мендан: “Ҳозир нимага йўлиқдинг”, деб сўради. Мен кўрганларимни гапириб бердим. Шунда билдимки, отам менинг чинқириғимни эшитган ва кўркинчимни кўрган пайтда шундай назр қилибди: “Агар Аллоҳ бу боламга шифо берса, қўйларимдан шунчасини садақа қиламан”. Аллоҳ у кишини икром қилиб, бедаво бу касалликдан отамга шифо берди.

Биринчи марта бу қиссани айтиб берганида, отамдан шундай деб сўраганимни эслайман: “Ўлим фариштасининг келиши ажал етганининг далилику. Агар ажал келса, унинг кечикишига на назр фойда қилади ва на дуо!” Отам менга шундай дегандилар: “Аллоҳнинг илмида собит ажал ҳали келмаган эди. Лекин ўлим фариштасининг менга келиши ва кўзимга кўринишини, Аллоҳ кўнглимда ўлим маъносининг мустаҳкамланиши учун сабаб ва ҳаётимнинг ҳар лаҳзасида унга тайёргарлик кўришимга боис қилган кўринади. Ажал иккита бўлади. Ўзгармас ажал ва муаллақ ажал. Ўзгармасини Аллоҳдан ўзга билмайди. Муаллақ ажал эса, Аллоҳ хоҳлаган сабабга кўра ўзгариш ва алмашишга қобилдир. Бундай ажални Аллоҳ хос бандаларига билдириши мумкиндир”.

-4-

### **Биринчи жаҳон уруши ва отамнинг ундаги иштироклари**

1914-йили Биринчи жаҳон уруши бошланганда отам талаби илм сафарларидан қайтиб, ота юртлари Жилка қишлоғида муқим яшай бошлагандилар. Ўша пайт қишлоқ масжидида имом ва масжид қошидаги мадрасада талабаларга шаръий илмлар берадиган мударрис сифатида фаолият олиб бордилар.

Учқуни оловга айланаётган бу уруш ва охири нафасларини олаётган ислом халифалигига барҳам беришни мақсад қилган бу ҳарб ҳақида отам узоқ ўйга чўмдилар. Мулоҳаза қилиб кўрсалар, жабҳалари кўп бўлиб, хатолари турлича эсада бу урушнинг энг катта хатари ислом оламига қаратилган эди. Бу хатар Русия томонидан бўлиб, у ислом давлатининг катта бўлагини ютиб юбормоқчи ва ўзининг императорлик салтанатини ўша ерларгача ёймоқчи эди. Мусулмонлар турли ўлкаларда бўлсаларда, ислом ислом ва мусулмон мамлакатларнинг ҳимояси учун умумий сафарбарликни вожиб этадиган бу ҳолат, у кишининг урушга қатнашиш лозимлигига берган қарорларига янада далда бўлди.

Кўп ўтмай отам бу урушга мужоҳид сифатида кирдилар. Аскарликнинг ҳамма сарф-ҳаражатларини ўзлари зиммаларига олдилар. Яқин машқ жамлоқларидан бирида тез ва юзаки тайёргарликдан ўтиб, ўз бўлинмалари билан Ван, Битлис ва Қора денгиз минтақаларига яқин Русиянинг чегаралари томон йўлга тушдилар.

Отамнинг бу урушдаги иштироклари ўзларининг айтишларича, муваффақиятсиз ва бешафқат бўлди. Менга шундай дегандилар: “Менинг бу урушга чиқишим, Аллоҳ унга ажр берадиган жиҳодий амални рўёбга чиқаради, деб ўйлагандим. Лекин бунинг ўрнига ўзимни энг муҳим вожибот ва ибодат асосларида қусурга йўл қўйишга мубтало кўрдим. Бизга масъул зобит менинг намоз ўқишимдан асаби бузиларди. Бир неча маротаба у мени диннинг асосий устуни бўлган ибодат – намоздан тўсишга ҳаракат қилди. Бу қилиғи мени унга

куйидагиларни айтишга мажбур қилди: “Мен сизнинг бўлинмангизда вазифадор аскар эмасман. Мен бу жиҳодий мажбуриятини бажаришга кўнгилли бўлган ва бунинг ҳаражатини ўзи кўтарган кишиман. Бунда бирортангизнинг миннатдорчилигингиз керакмас, мен Аллоҳ азза ва жалланинг розилигини истайман. Шундай бўлгач, сизлар билан бу жойларга келишга фақатгина Унинг розилиги ундаган Аллоҳнинг амрларини бажиришимдан тўсишга сизнинг қандай ҳаққингиз бор?!”.

У киши менга аскар ва зобитлардан кўпи истиқоматдан узоқ, ҳамда гуноҳлар, баъзида эса фаҳш ишларга бўғзигача кўмилган кишилар эди, деб таърифлардилар. Бир марта уларнинг биридан: “Аллоҳ томонидан сенга юборилган пайғамбарининг исми нима?”, деб сўрасам, билмаганди, дегандилар.

Отамнинг бу урушда кўнгилли қанча муддат қатнашганларини билмайман. Лекин билганим, бу урушдан жуда қаттиқ умидсизликка тушганлар ва ислом халифалиги емирилишга қараб кетаётганига амин бўлганлар. Бунинг сабаби бор эътибор тўғри йўлда истиқомат ва гўзал хулқлар билан зийнатланиш у ёқда турсин, ҳатто умматнинг ҳимоя кўрғонларини ташкил қилиш ҳам бўлмаган.

Урушдаги шафқатсизликка келсак, отам роҳимаҳуллоҳ уни шундай хикоя қиладилар: “Бизни қиш қаттиғида Ван ва Битлисга жўнатишди. Қўшин бизга қишнинг шиддати ва устма-уст ёққан қорнинг аёзидан сақланиш учун етарли миқдорда, балки етмас миқдорда ҳам кийим билан ёрдам бермади. Мен туну кун ёлғиз оғир тўнимга ишонишим мумкин эди. Лекин айрим кунлари уни мендан ҳам кўра заруратга тушганларга бериб туришимга тўғри келарди. Узоқ вақтдан бери безовта қилаётган ревматизм касаллигини мен ўша қаттиқ совук ва аёзли кунларда орттририб олганман”.

-5-

### **Оилавий ҳаётга қадам қўйиш**

Отамнинг уйланишлари мазкур урушга чиқишларидан олдин бўлганми ё қайтганларидан кейинми, билмайман. Муҳими, ана шу вақтларда бўйдоқликдан оилавий ҳаётга ўтганлар. Бунда қариндошларидан бир қизга уйланган бўлиб, у менинг онам Манжи хоним эдилар.

Совчилик ва тўй хабарларидан жуда кам хабарим бор. Лекин онам отамнинг ёшлиқларидаги кўринишлари ва ажойибликлари ҳақида менга гапириб берардилар. Онамнинг ҳайратларини оширган нарса, отамнинг тўй арафасидаги алоҳида диний қизиқишлари эди. У киши розилик ва ҳавас масдари эдилар. Қўшни ҳовлидаги майдончада Қуръон ўқиб, ёдлаганларини такрорлаб узоқ ўтиришларидан онам ҳайратга тушардилар.

Нима бўлганда ҳам оилавий ҳаётлари камчиликдан холи бўлмаган. Отам раҳимаҳуллоҳ бор эҳтимомларини илм, таълим ва талабаларнинг ҳолидан хабардор бўлишга қаратгандилар. Курдлардаги таълим низоми турли халқаларга асосланган бўлишини олдин айтиб ўтгандим. Бу халқаларда талабалар жамоаси навбат билан айланиб турар, баъзида халқда бир дона талаба ҳам бўлиши мумкин эди.

Отамнинг хаёлларини банда этган ва онамни қўрқитган нарса туғилган болаларининг турмаслиги бўлган. Болалари туғилишидан оз ўтмай ўлим уни бағирларидан юлиб кетарди. Уларнинг охири болалари туғилганда, (бу воқеа никоҳдан кейин қанча вақт ўтиб бўлган, билмайман, ушбу сатрлар муаллифи ўша бола бўлган) отам уни олиб шайхларидан бирининг олдига олиб боради. Бу шайхни отам жуда қаттиқ ҳурмат қилар ва солиҳлигига эътиқодлари кучли эди. Бу зот шайх Сайдо номи билан машҳур шайх Саид эдилар. У зот мени дуо қилиб, танглайимни кўтардилар. Отамдан менга исм қўйишни сўраганларида, отам Муҳаммад Саид деб ном қўйдилар, онам эса Муҳаммад Фузайл қўйишни истардилар.

### **Байтул-харомга хаж сафари**

Туғилганимга бир йил бўлмай, отамнинг хажга ва саййидимиз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг зиёратларига бўлган шавқлари жўш ура бошлади. Анча вақтли тайёргарлик кўра бошладилар. Бутан оролидан хажга бориб келиш беш ойдан кам вақтни олмасди. Ҳожи бу масофани кема ва туяда босиб ўтиш керак эди. Онамнинг ўтинишлари, бу муддат олдиларида қолиш ҳақидаги ва янги туғилган яккаю-ягона фарзандларининг келажагини махфий қадар қаршисида қолдирмасликни сўраб қилган илтимосларига қарамай, отамнинг Байтуллоҳга хаж маносикларини қилишга бўлган рағбатлари ўша йили амалга ошганди.

Маълум бўлишича сафар жудаям машаққатли бўлган. Отам бошларидан ўтказган қийинчиликлардан бири, у кишини Маккагача обориб қўйишга келишган ва келишилган маблағни олдиндан олган туякаш Маккага анча узоқ масофада туяси билан қочиб кетган. Қолган масофани отам пиёда босиб ўтишга мажбур бўлганлар. Лекин отам бу хабарни бизга ҳикоя қилиб бераётган пайтда, бошларига тушган ишлардан розилик ва саодатларини изҳор этган ҳолда сўзлардилар. Зотан, у киши Маккий ҳарамдан Байтуллоҳга қадар пиёда кириб боришни орзу қилган эканлар! Шундан: “Аллоҳ таоло ўзимнинг ихтиёримсиз ва режамсиз орзуимга эриштириш билан мени икром қилди!”, дердилар.

Ҳаж маносикларини адо қилиш асносида ёки кейин (аниғини эслолмадим) отам тушларида бир ёшга етмаган гўдакларининг вафот этганини кўрадилар. Уйғонганларида у киши кўрган тушларидан қаттиқ мутаассир бўладилар. Хаёлларидан бу рост тушлардан, деган фикр ўтади ва олдинги акалари каби бу боламни ҳам ўлим бағрига олибдида, деб ўйлайдилар. Ҳолат ғамга ботиради ва қаттиқ маҳзун бўладилар. Хаёлларида ўзим келган ватанимни, бола-чақамни тарк этишим ва Макка ё Мадинада қолишим керак, деган фикр пайдо бўлади. Бу хаёл азму қарорга айланаёзади. Лекин Аллоҳ азза ва жалла отамни тушларининг васвасасидан Ўзи қутқаради ва вужудларини эгаллаган фикру хаёлдан холи қилади. Ҳажлари ва зиёратларини тугатиб ватан сари йўналадилар.

Йўлда бор юклари, жумладан қариндошу дўстларга олинган совға-саломлар йўқолиб қолади. Юклар адашиб Ҳиндга сузадиган бошқа кемага юклаворилади. Отам қишлоқлари Жилкага эсон-омон қайтадилар. Гўдакларини саломат, ҳамма ишнинг жойида эканини кўрадилар. Лекин беш ой кетиб, ахлу ва акрабога бирор нарса олмай қайтадилар..

### **Китоб ёзишга ундаган хасталик**

Отам ҳали сафар чарчоғи ва машаққатли йўллар толиқишидан қутилиб, ўзларига келмай туриб, жуда қаттиқ хасталик гирдобига тушиб қолдилар. Бу иллат у кишини узоқ муддат тўшакка михлаб қўйди. Хасталиклари асносидаги бор ғамлари, ўлим ўз чоҳига тортсаю, ортларида қолаётган бу гўдаклари жаҳолат гуллаган ва дин, ҳамда ахлоқ тушунчаларидан узоқ бу қишлоқда тарбия, таълим ва таҳзибга муҳтож ҳолда ўсишидан хавфга тушиш эди.



Хасталик чекиниб, тузалишга қайтганларида асосий мақсадлари ва бор ташвишлари бу кичик ўғилларига ўзлари айтмоқчи бўлган насиҳат ва тавсияларни тўплаб китоб қилиш бўлди. Мақсадлари бу китоб билан фарзандлари дунёга кўзини очса, ҳаёт билан муомала қилишни бошласа. Бу ташвишнинг боиси хасталик яна қайтишидан ва бу сафар қайтиб кетмаслигидан қўрқиш эди. Ёлғиз ўғиллари у билан тарбия топишини хоҳлаган тарбиявий асослар китобини ёзиш насиб қилиши отамга тасалли берар, агар ажаллари етиб, у ўзлари билан фарзандлари ўртасини ажратса, ўғил бу китоб асосида тарбия топса, деган илинж турарди.

Кейин гапириб беришларича, отам тарбиявий тавсия ва насиҳатларини ёзишга амалда киришадилар. У гўдак улғайиб, тўғрисида отасининг ўрнига бу китобни кўрсин, уни ўқиб таъсирлансин ва ўзига фойда олсин деган, деган умидда ҳали ақлини танимаган ёш гўдакларига хитоб қиладилар. Отам бу ишни Аллоҳга ҳамд бўлсин, муваффақиятли тугалладилар. Ўғилларига айтмоқчи бўлган ҳамма нарсани буюрувчи, қизиқтирувчи, огохлантирувчи ва насиҳатгўй бўлиб ёздилар. Ўз кўллари билан ёзганлари кичик бир китобча бўлди. Сўнг бундан кейин Аллоҳ у кишини фарзандлари учун қолдириб марҳамат этди. Ўғил улғайди, ақлини таниди. Отаси унга бу тавсияларини ёзишга ундаган хасталиги қиссасини ҳикоя қилиб берди. Фарзанд эса отасининг ўзидан кўли билан ёзганларини таълим олди. Шунингдек унга шарҳ, тафсилот ва баённи ҳам қўшиб олди. Сўнг отам раҳимахуллоҳ менга хос ёзилган бу насиҳат ва тавсияларга ўша миқдорда қўшимча қилдилар ва уни ҳамма одамларга хитоб қилинган умумий насиҳатлар кўринишига келтирдилар. Ундан кейин китобча шаклида чоп ҳам қилинди. Шояд янги, ўзига хос услубда нашрдан чиқса..

-8-

### **Ибодат ва зухдга қаттиқ киришиш**

Кейинчалик онамнинг менга айтганларидан билишимча, отам тўлқинида сузганлари ҳаж сафари Аллоҳ азза ва жаллага нисбатан ҳайбат ва таъзим туйғуларини у кишида янада кўзғаворган. Аллоҳ ҳузурида табаттул (Аллоҳга ўзни бағишлаш) ва Аллоҳнинг зикри, Қуръонга иқболлари зиёда бўлганди. Бунга қўшимча илм дарслари ва талабалар риоясида матонатла давом этардилар.

Онам менга якка ўзлари бўлган узоқ хилватларида отам йўлиққан Аллоҳ азза ва жалла билан бўлган ажиб ҳолатлари ҳақида сўзлаб берардилар. Бир кун отамни қўрқинч эгаллаб ҳеч ким билан гаплашмай, ҳеч нарсага парво қилмай ҳовлидан чиқиб кетадилар. У кишида олдин учрамаган ҳол кузатилмоқда эди. Қаерга кетаётган экан, деб онам у кишидан нигоҳларини узмадилар. Тўсатдан отам тоғдаги даралар томон тезлаша бошладилар. Онам масжиддаги талабаларни ортларидан юборишдан бошқа илож қилолмадилар. Уларга: “Тез шайхингиз ортидан тушинг. Унда жинниликка ўхшаш ҳолат юзага келган”, дедилар.

Мен бу воқеанинг ҳақиқатини отамдан сўраганимда, кулиб кулиб шундай дегандилар: “Ҳа. Онанг мени жинни бўп қолди, деб ҳар томонга жар солворганди. Иш эса Аллоҳ таолонинг баъзи сифатлари сабабидан қалбимни сархушлик ва ҳаяжон эгаллаб олишидан ортиқ ҳол эмас эди. Бу ёқимли ҳолдан ажраб қолишдан ёки бу сархушлик софлигини дунё сўзлари, аҳл ва фарзанд ташвиши хиралаштириб қўйишидан қўрқдим. Шу сабаб бундай тўсиқ ва ташвишлардан йироқ бўлиш мақсадида чиқиб кетдим.

Бу ҳол менда имкон қадар кўпроқ қолишини хоҳлагандим холос. Шу сабаб мажнун деган тухматга қолдим!..”

Эски бинонинг шифтсиз тўрт девор ичидаги сурати мана энди хаёлимда гавдаланмоқда. Бу бинодан тепаликлар қолган холос. Бирор томонини девор ўрамаган қуруқ ердаги қадим иморат.. Отам баъзида мени ўзлари билан ўша ерга олиб кетардилар ва ўйиним билан мени

холи кўярдиларда, ўзлари эса сахросимон ернинг кичик бир бурчидаги бу бино ичида, гиламча устида ўтирганларича Қуръон тиловатига машғул бўлардилар. У кишининг бу хилватларида қандай ҳолларга дуч келганларини идрок этмайман. Кейинчалик билишимча, ўша пайтлари икки-уч ёшларда эдим. Лекин мени эътиборимни тортадиган нарса отам унга тез-тез қараб турадиган чўнтак соатлари эди. Бир марта уни қайта тўлдириш учун қулоғини бураганларини кўрганман. Нимага бундай қилганлари ҳақида сўрасам: У очикқан. “Ҳар доим унга овқатини шундай шаклда бериб туриш керак”, дедилар. Шу бугунги кунгача бу жавоб эсимда қолиб кетган, лекин унинг маъносини ўша пайтлар тушунмасдим.

Ҳозир ўзимга ўзим савол бераман: Отам раҳимахуллохнинг олдин ўзларида бўлмаган олий ҳиссий мусаффоликка дўниш нуқталари нима бўлган экан? Тўғри, талабалик ва таҳсил пайтларида ҳам ибодатга, рақоик (қалбни юмшатадиган) китобларига, тасаввуфни ўрганишга иштиёқлари ва Қуръон ҳифзига эҳтимолларида бошқа тенгдошларидан ажраб турардилар. (Олдин ҳам бу тўғрида айтиб ўтганман). Лекин гоҳида бўлиб турадиган Аллоҳ таоло билан хузур завқи каби ҳолатлар, назаримда фақатгина Ҳаждан келганларидан кейин пайдо бўла бошлади. Унда жавоб у кишидаги ўзгариш нуқтаси ҳаж ибодати бўлганми? Бу саволга дақиқ жавоб отам менга бир неча маротаба айтиб берган қуйидаги ҳикояда топилса керак: “Толиблардан бирига дарс бериб тургандим, тўсатдан менда бир ҳол пайдо бўлди. Бундай ҳол ҳаётимда илк бор содир бўлиши эди. Дарсни давом эттиришга менда мажол қолмади. Балки нутқ ва калом ҳам оғирлик қиларди. Озгинадан кейин қалбимнинг тубига совуқ сув қуйилгандек бир нарсани ҳис қилдим. Мана шу кундан бошлаб мен Раббоний нурга рўбарў эдим; у менинг шууримни эгаллар ва қалбимга тез-тез таъсир қилиб турарди. Гоҳида бу ҳол ортидан менга оғриқ ёки ҳасталик етар ва тўшакка михланиб қолардим”.

Ҳақиқатда бу сирли ҳасталик отамни тез-тез безовта қилиб турарди. Хусусан ўта кўркиш ёки вужудларини эгаллаб олган хушуъ ортидан келадиган ҳиссий безовталиқ пайтида у янада авж оларди. Эсимда бор, Димашқда ўрнашиб олганларидан кейин табиблардан бирига мурожаат қилганларида, у аниқлаш имконсиз бўлган, ёки номини эслолмайдиган бу касалликларининг давоси йўқлигини, фақатгина турли егуликларнинг аксаридан қаттиқ парҳез қилишгина фойда бериши мумкинлигини айтганди. Шу билан бирга ҳасталик барибир ўлимга олиб боришини таъкидлаганди.

Воқеъликда эса отам тез-тез безовта қилиб турадиган бу касалликдан, вафотларидан ўттиз йил олдин тузалгандилар. Аммо бу касалликларига сабаб деб кўриладиган ҳиссий ҳолатлари эса у кишини тарк этмади. Шундай қилиб бу сирли ҳасталик отам вужудларида узоқ муддат сабабини билинмаган ҳолда давом этди. Сўнг яна сабабини билинмаган ҳолда қайтмас бўлиб у кишини тарк этди..

-9-

### **Шомга ҳижрат Ҳижрат сабаби**

Отам раҳимахуллохдан дарс оладиган талабаларидан мулла Юсуф деган солиҳ бир йигит отамга хабар олиб келди. Ўз хабаридан йиғлағудай таъсирлангани унинг юзидан кўриниб турарди. У тушида Расулulloҳ соллалoҳу алайҳи ва салламни кўрганди. Пайғамбар алайҳиссалом унга: “Бор, шайхингга айт, келиб менга эргашсин”, дебдилар. У: “Шунда сизга хабар берувдим, кўрдимки, сиз ул зот билан мен билмайдиган томонга кетдингиз. Мен сизларга етиб олишга ҳаракат қилдим, лекин етолмадим. Якка ўзим қолиб кетдим”, деди.

Отамда хижрат қилиш фикрини пайдо қилган ва ватанларини қайтмас бўлиб тарк этишга рағбат омилларини кўзгаган нарса очик далолатли бу туш бўлганми, билмадим. Нима бўлганда ҳам, отамга бу диёрда яшашни қариқ кўрдирган бошқа сабаблар кўп эди. Бу сабабларнинг энг аҳамиятлиси, Отатуркнинг исломга нисбатан душманона ёмонликлари силсиласи эди. У бу душманлиги ортидан ислом булоқларини қуритишни, сўнг Ислом халифалигининг охириги диёрига барҳам беришни кўзлаган эди.

Маълумки, у аввал ислом халифалигига барҳам берди, кейин араб ҳарфларини лотин ҳарфларига алмаштирди. Сўнг оммавий жойларда Қуръон тиловатини батамом маън этди ва турк тилига ўгирилган Қуръонни унинг ўрнига жорий қилди. Кейин эркакларни ғарбча бош кийим кийишга ва аёлларни эса ниқоб ва ҳижобларини ечишга мажбурлади. Маълумки Отатуркнинг Лозанна битимида Британия олдида олган мажбуриятининг бундай хатарли бузғунчиликлари силсиласи ва тўрт йил бўлмаёқ уни бажариши натижаси шундай бўлди; 1934-йил қирган вақтда Туркиянинг шаҳар ва қишлоқлари Исломга душманликнинг бу босими остида азоб чекарди.

Жилка қишлоғи ўзининг масжиди ва катта сондаги толиби илмлари сабабидан вақти-вақти билан тўсатдан келадиган кулфат зулмати ва маҳзунлик қоронғулигига чўмиши аниқ эди. Бу ҳол турк аскар ва миршабларидан иборат кўриқчилик бўлинмалари бошдан-оёқ қуролланиб, жангга тайёр ҳолда келиб, ўраб олганда юзага келарди.

Мана шу пайтда муаззинлар машруъ арабий азонни яширин айтишлари лозим бўлар, масжидларни мусҳафлар, бошқа арабий ва диний китоблардан холи қилишга тўғри келар ва толибларни уйлари ва қишлоқлари тарқатиб юбориш керак бўларди. Эркаклар ҳаммалари бошларига ғарбча бош кийимларини кийишар, бунда на салла ва на қалпоқ мумкин эди. Аскарлар хоҳлаган уйларига бостириб кириб, уни эгаллаб олишар ва бу уйда қишлоқда қолишлари керак муддат яшашарди. Кўрсатмаларини бажармаганларни эса аёвсиз жазолашарди.

Бундай муҳитда, ёнига қўйганда қоронғулик ёрқин зиёдек кўринадиган бу зимистон аро отам яшай олишларини энди қандай тасаввур қиласиз?! Кўпинча масжидга кириб намоз ўқир ва дарс берардилар. Бу иш масжиддаги гилам ва бўйраларни йиғиштириб қўйилгандан кейин қилинарди. Чунки аскарларнинг одати масжидга пойафзал билан бостириб киришарди. Шунда отам масжиднинг бир бурчига бориб олар ва Қуръон тиловатига ёки “Далоилул-Хойрот” (бизда ҳам ўқиладиган пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга салаватлар тўпланган китоб. Раҳматли бувижонимиз бу китобни қўлларидан қўймасдилар.-тарж.) бутунлай берилардилар. Ўннга ҳам, сўлга ҳам қарамасдилар. Бирор сўз ё овозга эътибор қаратмасдилар. Баъзида уйга биқиниб олар, то бу офат ва бало аригунча ундан чиқмасдилар.

Ишонишимча отамга бу мамлакатда қолишни ёмон кўрсатиб қўйган асосий ва биринчи сабаб шу бўлса керак. Бундан бошқа сабаблар ҳам бўлган. Масалан, қишлоқда жаҳолат тарқаган, ундаги аксар одам ва нуфузли кишиларнинг бошларида ҳавои нафс ҳукмронлик қиларди. Бу ҳол уларни Отатурк одамларига хизмат қилишга ундарди. Ўзлари етишни хоҳлаган нарсаларига ёки қишлоқ ишлари, аҳволи ва диндорларининг фаолиятига доир нарсалардан хабардор бўлишга туртки бўларди. Отам раҳимаҳуллоҳ менга ана шундай югурдакларнинг бири ҳақида сўзлаб бергандилар. “Бу одамни “оға” деб чақиришарди. У жудаям мутақаббир ва ҳаддан ташқари ўзига ишонган киши эди. “Оға” шу даражада манмансираган эдики, қалпоғининг олд томонини кўзига тушириб олар, бундан пешонаси ёпилиб қолар эди. У одамларга кўзига тушиб турган қалпоғи остидан ажиб бир такаббурла нигоҳ ташларди. Бир кун менга: Фақиҳ, фақиҳ... (Бу калимани аксар одамлар эрмаклаш ва калакалаш учун ишлатишарди). Менга идишдаги сувни узатвор, деб қичқирди. Мен унга: “Сув олдинда, туриб ичиш қўлингдан келади!”, дедим. Мендан аччиқланиб: “Яхши. Мен сени қуролим ўқларига мўлжал қилмасамми!”, деди. Отам айтадилар: “Шундан кейин унинг ажали узоққа чўзилмади. Отининг оёғи остида қолиб, ўлиб кетди.”

Бу қишлоқнинг бошқа кўпгина қишлоқларниқига ўхшаган ёмон бир одати бор эди. Аёллар уйга сув олиб келиш ёки муайян кунларда анҳор ва булоқларда кир ювиш ва чўмилиш учун қишлоқ ташқарисига чиқишарди. Бу ишларида улар кун бўйи қолиб кетишар,

бунда иши бор ҳам, бекорчи ҳам ва қаттиқ иш ва шовқинли ўйин-кулги ҳам аралашиб кетарди. Бу жойлар ундан ўтадиган, ёки уларни узоқ-яқиндан кузатадиган ёшлардан холи бўлмасди.

Отам раҳимахуллоҳ бу ва бунга ўхшаш одатларни қаттиқ ёмон кўрар ва уларга қарши курашардилар. Шу билан бирга хотинларини ўзларининг хоҳишларига буришдан ошиқ бирор иш қилолмасдилар. Онам учун бу одатларга аралашидан беҳожат қиладиган хизматкор ёллагандилар. Бу хизматкор онамни шарият одоблари билан чиқишолмайдиган ишларга мажбур бўлишдан сақлаб қоларди.

Менга сўзлаб берган муҳим сабаблардан яна бири шу эдики, отамни ёш фақиҳ сифатида танийдиган баъзи тариқат сўфийлари бўлиб, Бутан жазирасида уларнинг савлат ва шуҳрати бор эди. Улар ўзларининг узоқ-яқин қишлоқларидан отамга одам жўнатишар ва у кишига атрофларидаги уларнинг муридларидан қиш мавсумида ёкиш учун ўтин йиғиб бериш, ҳамда йўлини топиб жўнатвориш вазифасини юклашарди. Отамнинг ўша пайтдаги ҳолатлари бунга имкон бермас, лекин уларга одоб сақлаб, айтганларини қилардилар. Отам айтадилар: “Мен уларга етарли миқдордаги ўтинни шахсий пулимга сотиб олиб, уловга юклаб жўнатворардим. Уларга ҳеч нарса билдирмасдим!..”

-10-

### Маслаҳатлашув ва аҳдлашув

Отам айтадилар: “Ҳижрат ҳақида ўйласам мени хавфу кўрқинч хислари қуршаб оларди. Инсон ватанидан ўзини ажратиши ва бошқа алоқаларини тикланмас равишда узиши осон иш эмас эди. Бир кун Қуръон тиловат қилиб ўтирганимда бир оятга етиб келиб, унда узоқ тўхтаб қолдим. Бу оят мени чулғаб олган ҳадикларни яқсон қилиб, ватанимдан тезликда ҳижрат қилишга бўлган рағбатимни кучайтириб юборди. Бу оятда Аллоҳ таоло шундай дейди: “Ким Аллоҳ йўлида ҳижрат қилса, ер юзида кўп паноҳ бўлгудек жойларни ва кенгчиликни топгай. Ким уйдан Аллоҳ ва Унинг пайғамбари сари муҳожир бўлиб чиқиб, сўнг (шу йўлда) унга ўлим етса, муҳаққакки унинг ажри — мукофоти Аллоҳнинг зиммасига тушар. Аллоҳ мағфиратли, меҳрибон бўлган зотдир.» (Нисо сураси, 100-оят)

Бу оятдан мен, агар ҳижрат қилсам учинчиси йўқ икки натижадан бирига рўбарў бўлишимни билдим. Бу иккиси ҳам ютуқ, яхшилик ва саодат эди. Мана шу пайтда мен ҳижрат учун тайёргарликка рози ва хотиржам ҳолда қарор қилдим.

Онангизга ўзимнинг қарорим ҳақида сўзладим ва бу тўғрида маслаҳатлашдим. Аллоҳнинг тавфиқи туфайли у киши ўзим кутган нарсанинг тескарисига мойил бўлганди. Онангиз мени тезроқ ҳаракат қилишга ундади. Шунда мен айтдим: “Иш сиз ўйлаганчалик осон эмас. Биз йўқлик ва фақирлик чангалига тушишимизни тасаввур қилишингиз керак. Биз бу ерда баҳра олаётган неъматларимиз маҳрумликка айланиши мумкин. Шунинг учун бу розилигингиз билангина кифояланмайман. Тоинки менга аҳд ва ваъда берасизки, ҳар қандай ҳолда ҳам рози ва собир бўласиз, менга оғринтириб ёки надомат чекиб муомала қилмайсиз.”

Менга шундай жавоб қилдилар: “Аллоҳ таоло фосиқ ва кофирни ҳам ризқлантиради. Сиздек инсонни ризқлантирмасмиди?”

Мен айтдим: “Аллоҳ бизни мусибатлар билан хоҳлаганича имтиҳон қилиши мумкин. Сизнинг айтганларингизга кафолат йўқ. Эҳтимолларнинг энг ёмонини тасаввур этишимиз керак.”

Биз Шомга, яъни Димашққа ҳижрат қилишга, бу йўлда йўлиқадиган ҳар қандай яхши ва ёмонни розилик ва бўйсунуш билан қаршилашга аҳдлашдик, ваъдалашдик. Лекин ҳижрат нима учун айнан Шомга? Масалан Ҳижоз каби бошқа жойга эмас?

Отам роҳимахуллоҳдан бу саволни сўраш ҳаёлимга келмаган экан. Лекин кейинчалик бунга аниқлик киритдим, деб ўйлайман. Билишимча, отам раҳимахуллоҳ Шомни ҳурмат қилардилар ва муқаддам ер, дея таърифлардилар. Шом фазли ҳақида жуда кўп ҳадисларни ёддан билардилар. Бу ҳадисларнинг баъзилари заиф бўларди. Лекин ичида саҳиҳлари ҳам

бор эди. Димашк ва хусусан Ғувтанинг (Димашк яқинидаги водий) фазилати ҳақида Заҳабий саҳиҳ деган, Абу Дардо (р.а.)дан ривоят қилинган ҳадисда шундай дейилади: “Катта малҳама (келажакда бўладиган фитналардаги катта жанглар) куни мусулмонларнинг чодирини (қалъасини) Ғувта дейиладиган жойда бўлади. Унда Димашк деган шаҳар бордир. У ўша кунлари мусулмонларнинг яхши манзилларидан бўлади.” Отамнинг фикрларича, Ҳижозга зиёратчи ва умрачи ўлароқ бориб туриш, уни ватан тутиш ва Макка ё Мадинада яшашдан кўра яхшироқ эди. Зеро, бу муқаддас жойларда узок туриш, уларга нисбатан одоб ва мажбурият қоидаларини унутишга олиб келарди. (Фикр ва одобни мулоҳаза қилинг. – тарж.)

Менга кейинчалик отамнинг Шомга, хусусан Димашкқа боғланиб қолишлари, уни қанчалик севишлари ҳақиқати маълум бўлганди.. Саксонинчи йиллари “Ихвон фитнаси” асносида бу шаҳарнинг уламолари ва ёшларидан бир гуруҳи у кишини зиёрат қилгани келганда, улардан бири деди: “Бизга етиб келишича, сиз Мадинаи мунавварага ҳижрат қилиш ҳақида ўйлаган экансиз?!”

Шунда отам мана бундай жавоб қилгандилар: “Менинг Шомга боғланиб қолишим, тоғ четида ўрнашиб қолган тошга ўхшарди. Ундан фақат суғуриб олингандагина қимирлашим мумкин!!”

-11-

### Ҳозирликсиз сафар

Отамнинг кичик боғчалари бўлар эди. Менинг эслаганим шу. Қандай уйга эга бўлганларини билмайман. Муҳими, отам раҳимахуллоҳ буларнинг барига қўл силкиб, ини ва қариндошларига қолдириб кетдилар. Йўлга яширин ҳозирландилар. Бор нарсалари, агар хотирам панд бермаётган бўлса, саккиз тилла лира эди.

Отам аҳллари билан Туркия-Сурия худудидаги Дажла дарёсини тун зулматида яширин кечиб ўтишлари лозим эди. Чунки Туркия назорат ҳайъати чегара ташқарисига махфий ўтаётганларни пойлар ва назорат қиларди. Қўлга тушганлар тўғридан-тўғри дорга осиларди. Бу кўрқинчли ва хатарли таваккалчилик эди. Муваффақият эҳтимоли жудаям кам эди.

Оила отам-онам, уларнинг ёлғиз ўғли Муҳаммад Саид, опаси Зайнаб ва синглиси Руқайядан иборат эди. Отам раҳимахуллоҳ таъкидлашларича, ўша пайтда тўртга кирган эдим.

Ҳозир хотирамда қолган қолган бир кўриниш худди қадим кино лентасиди ўтаётгандек кўз ўнгимда: Қариндош аёллар Дажла бўйида ўтиришибди. Уларнинг ўртасида ёқасини йиртар даражада бақир-чақир қилиб йиғлаётган бир аёл турибди. Кейин билишимча у холам раҳматли Сайнам эдилар. Холам қайтиб келмас бўлиб эри ва гўдаклари билан кетаётган, келажакда ўлимми ё нажотми билмаган, сингиллари билан видолашардилар.

Шунингдек, дарё бўйига келиб, сув юзасида сузаётган тўртбурчак ёғоч лавҳанинг бир томонига биз билан ўтирган кишиларни ҳам эслайман. Бу лавҳа бир-бирига маҳкам жипслаштирилган ёғочлардан иборат эканлиги хотиримда қолган. Курд тилида Калак дейиладиган бу лавҳа Дажла дарёси доирасидаги маҳдуд масофада юк ва одам ташиларди. Дажла дарёсидан бизни олиб ўтадиган калак устидаги саёҳатимиз мана шундай бошланди. У бизни аҳл, қариндош ватандан айирганди. Бунинг аламли озори менга фақат кейинчали биллинганди.

Хатарли онларни қандай бошдан кечирганимиз ва Сурия заминига чегарини қандай қилиб тинч-омон босиб ўтганимиз ҳақида отамдан эшитмаганман. Ҳолбуки йўл нотинч ва жуда хатарли эди. Лекин фаҳмлашимча, ўзлари, аҳл ва авлодлари мурожаат қилган буюк химоя бу отамнинг бир лаҳза ғафлатда бўлмайдиган қироат ва вирдлари эди. Сурияда чегарасидан ўтиб илк тўғри келган қишлоғимиз Айн Диворга қўндик ва унда бир неча кун қолдик. Қишлоқ оқсоқоли отамнинг бу ерга ташрифлари учун икром этди, кудумлари билан қутлади. Таваккаллари ва ҳижратдан кўзланган асосий мақсадларидан мутаассир бўлди.

Сурия миршаблари ҳам гарчи отамни танишмасда, у ҳақда ҳеч нарса билишмасда, оксоколдан кам хурсанд бўлишмади. Ҳаммамизнинг расмий “туғилишимиз” шу қишлоқда бўлди.

Исмларимиз Айн Дивор қишлоғида туғилган Сурия фуқаролари сифатида қайд этилди. Отамга сафарларини унинг асосида давом эттиришлари учун ҳужжатлар берилди. Бу қишлоқда турганимизда шу ерлик фозил бир инсоннинг уйида меҳмон бўлдилар. Бу киши кейинчалик Қамишли шахрининг муфтийси бўлган Мулло Аҳмад Айн Диворий эди.

-12-

### Эгалари парво қилмайдиган фитна

Отам роҳимахуллоҳнинг сўзлаб беришларича, Димашққа одам ташийдиган автобусда курд миллатига мансуб бир одам билан танишиб қоладилар. Бу одам отамдан ватанлари ва мулкларини ташлаб, ёш болалари билан узоқ ва машаққатли бу сафарга отланишлари сабабини сўрайди. Биз болалар оғриқдан ғингшиётган пайтимизда, онам уларнинг суҳбатларини эшитиб турган бўладилар.

Отам унинг саволига қисқача жавоб берадилар.

Лекин бу киши сўзида давом этди. Отамни Димашқдаги ҳаёт ўзлари тасаввур қилгандек осон бўлмаслиги билан огоҳлантирди. Фикрий, тижорий маҳорати ва кўп дунё эгаси бўлмаган инсон, унда ўзини ўнглаб кетиши жуда қийинлигини тушунтирди. У: “Қолаверса араб тилини билмайсиз. Ким билан дардлашасиз? Тирикчилик ишларида ким билан ҳамкорлик қиласиз?”, деди. (Ўша кунларда отам китобларда ўқиган ва илм талабида ўрганган фасих араб тилида сўзлардилар. Авом араблар эса фасих араб тилини тушунишда жуда қийналишади. Шу туфайли улар билан отамнинг бошларидан қизиқ воқеалар ўтган.)

Отам унга дедилар: “Аллоҳ мени ҳеч қачон ташлаб қўймайди. Димашқ катта шаҳар, иш ҳам кўп. Ризқимга сабаб бўладиган ишсиз қолмасман!”.

Бу одам: “Тўғри иш кўп, лекин ишлайман деган олғир ундан ҳам кўп. Улар ичида ўрнингизни тополмайсиз.”, деди.

- Болта олиб ўтин ёраман.

- Ортига сотиладиган ўтин юклаб олган туяларни ва сиздан олдин бу ишга қўл урган йигирмалаб одамни кўрасиз. Уларнинг ҳаммаси бўйнига болтасини қўйволиб, ўтин ёриб тирикчилик қилишни ўйлайди.

Отам менга сўзлашда давом этадилар: “Онангиз эшитиб турарди. Бу сўзлар у кишининг хавфларини кучайтириб юборди ва ич-ичидан пушаймон бўлиб борарди. Менга қайтишимиз умидида бокди ва кўтаришга кучимиз етмайдиган муаммолар ҳақида огоҳлантирди. Мен онангизга: “Менга хавфу хатар қанчали кучли бўлмасин қароримиздан қайтмасликка аҳд ва ваъда бергансиз. Ваҳоланки биз ҳозиргача (Аллоҳдан) фақат мадад ва тавфиқ кўрмоқдамизку!”, дедим.”

Англашилишича, отам ўзини муаллим ва насиҳатгўй дея уқтираётган бу одамнинг сўзини Димашққа ҳижрат қилиш асносидаги энг катта имтиҳон дея кўрганлар. Чунки у хотинларининг фикрларини ўзларига қарши қилиб, тўлиқ келишув ва батамом ҳамкорликдан қарама-қарши томонга ўтиб қолишига сабаб бўлганди; энди завжалари ортга қайтишни ўтиниб сўрашга бошлаганди.

Лекин отам бу вазиятда Раббоний имтиҳонни кўргандиларки, бу отамнинг Аллоҳнинг раҳмати ва фазлига бўлган ишончларини очиб берганди. Бу шундай ишонч эдики, агар бошқа хатарларни ва эҳтимолий кўргуликлар деворини тешиб ўтмаса, унинг ҳеч қандай қиймати бўлмасди.

Отам раҳимахуллоҳ бу ҳақиқатни хотинларига тушунтириб қўймасалар бўлмасди. Шундан, уйи ва ватанини Аллоҳ йўлида муҳожир бўлиб тарк этган ҳар кишига буюк илоҳий

кафолатни уларнинг эсларига солиб қўйдилар. Бу кафолатни отам Аллоҳ азза ва жалланинг мана бу оятида топгандилар:

“Ким Аллоҳ йўлида хижрат ҳилса, ер юзида кўп паноҳ бўлгудек жойларни ва кенгчиликни топгай. Ким уйдан Аллоҳ ва Унинг пайғамбари сари муҳожир бўлиб чиқиб, сўнг (шу йўлда) унга ўлим етса, муҳаққақки унинг ажри — мукофоти Аллоҳнинг зиммасига тушар. Аллоҳ мағфиратли, меҳрибон бўлган зотдир.» (Нисо сураси, 100-оят)

-13-

### Димашқда ўрнашиш ва тирикчиликка зўр бериш

Айни Дивор ва Димашқ ўртисидаги сафар ҳақида ҳеч нарса эслолмайман. Лекин отам айтишларича у жуда машаққатли бўлган; учта гўдакларининг боши ҳеч касалликдан чиқмаган. Шубҳасиз бу қийинчиликларнинг барини энг аввало отам тортганлар. Муҳими, Димашққа биз эсон-омон етиб олгандик. Бошланишида курдлар маҳалласининг охирида бўлган кўпхонали арабий ҳовлининг бир хонасига жойлашдик. Бу ҳовли ҳозир ҳам ўшандоқ турган деб ўйлайман. Отам роҳимахуллоҳ бизга зарур кўрпа-тўшак, кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олдилар. Маҳаллани ва баъзи аҳли илмларни танигач, биз билан бирга яшайдиган ҳовли эгаларининг хулқи ва истиқоматига хотиржам бўлгач, касб қилиш учун иш қидира бошладилар. Тезда бу хусусда ишлари ўнгидан келди.

Отам учун муқобили йўқ ва ундан бошқасини билмайдиган бир режа бор эди. У ҳам бўлса, курдлар ўртасида кенг тарқаган диний ва дунёвий китобларни сотиб олиб, жазирадаги Сурияга тегишли курд минтақаларига олиб бориш ва уларни насиб қилганича фойда эвазига сотиш эди. Ҳақиқатда Димашқда китоб дўконлари эгалари курдлар диёрларида қизиқадиган китоблардан хабардор эмасдилар. Бу китобларнинг кўпи арабларнинг қизиқиш доирасида эмасди. Шундан нархлари жуда арзон бўларди.

Отам турли исломий илм ва маърифтларга эътибор қаратадиган дўконлар ва уларнинг эгаларини танирдилар. Бундай китоб дўконлари учтагина эди. Булар марҳум Аҳмад Абийд, Қусайботий ва шайх Исмоил Саббоғларнинг (Аллоҳ ҳаммаларини раҳмат қилсин!) дўконлари эди. Уларнинг бари Уммавий жомеъи йўлидаги Ҳамидийя бозорида жойлашганди. Отам бошида бу китоб дўконларини бориб кўрдилар ва улардаги кўп китоблар билан танишиб чиқдилар. Шундан кейин ўзлари излаган китоблар мажмуини ажратиб олдилар. Билишимча бу китоблар катта тўрвага жой бўлган.

Отам роҳимахуллоҳ айтадилар: “Бу китобларни сотиш учун жазира ва атрофларига сафар этишни қасд қилганимда, онангизни бу ишим туфайли қаттиқ кўрқинч эгаллаб олди. Менга қараб: “Келиб тўхтаганимиз бу бурчақда бир неча лирадан бошқа ҳеч нарсангиз йўқ. Таваккалчилигингиз орқасидан шу қолган маблағингизни ҳам бой бермоқчимисиз? Сизни олди-сотди ишларига укувингиз йўқлигини ҳамма билдику!?” дедилар.

Таваккал қилдим. Қолган ана шу маблағга бу китобларни сотиб олдим. Агар байъимда зарар қилсам ва қолган маблағни ҳам бой берсам ўзим ва ёш гўдакларимни кимга қолдираман? Олдимда Аллоҳга бўлган ишончимга яна бир бор қайтишдан бошқа йўлим йўқ эди. Зеро У йўлида муҳожир бўлиб чиққанимизда бизни зойеъ қилиб қўймаган зотдир. Онангизнинг олдиларига йўқлигимда эҳтиёжларига ишлатадиган маблағни қўйдим. Сизларни қўшниларга васият қилдим ва сотиб олган китобларим билан жазирага сафар этдим.”

Кейин билишимча отам бу сафарларида жазиранинг нақшбандийя тариқати муршиди, шайх Иброҳим Ҳаққийникига меҳмон ўлароқ қўнган эканлар. У зотнинг аксар истиқоматлари Қомишли шаҳри ёнидаги Ҳилво қишлоғида бўлган. Отам билан у зот ўрталаридаги садоқат ва муҳаббат бундан кейин униб кучайганди. Ҳамма томондан уламо ва

талабалар келиб, отамнинг улар учун олиб келган китобларини бир неча кун ичида сотиб олишди. Бу китоблар уларнинг урфларида фойдали ва қимматбаҳо энг нодир китоблардан ҳисобланар эди. Отам ишлатган дастмояларига уч мартаба тўғри келадиган фойда кўргандилар. Бир неча кундан кейин ёғ, сузма ва дон-дун каби турли керакли харажатларни кўтариб Димашққа қайтдилар. Уйга келган пайтларида бошқа керакли нарсаларни ҳам харид қилиб бердилар. Шунда отамнинг Аллоҳ бизни зойеъ қилмаганлиги, қилиб қўймаслиги ва бизни ҳеч қачон ташламаслигига кўнгиллари хотиржам бўлганди.

Сўнг отам роҳимахуллоҳ бу ишни ўзларига касб қилиб олдилар. Йил давомида турли томонларга бир ёки икки бор сафар қилардилар. Бунда ўзлари билан марғуб ва матлуб китобларни оловлар ва уларнинг пулига бу ерда сотиш мумкин бўлган ёғ, нўхот ва мош каби дон-дун сотиб олардилар. Бориш ва келишларида Аллоҳнинг тавфиқи доимий ҳамроҳлари бўларди. Лекин сафар икки мартадан ошмасди. Зеро бундан бошқа вақтларини илм ва дарсга бағишлагандилар. Аллоҳ таоло бу ерда ҳам ўзлари ҳижрат қилган қишлоқларидагига ўхшаган уларга дарс бериб, риояларини қилиш лозим бўлган талабаларни насиб этганди. Бу янги ҳаётнинг бир неча тафсилотлари борки, Аллоҳнинг ёрдами ва тавфиқи билан келажак фаслда уларнинг зикрини келтирамиз.

-14-

### **Димашқдаги янги ҳаёт Аралаш шахсият**

Туркияда яшаганларида отам ҳақидаги маълумотларга ўзларидан эшитиб эга бўлганман. Аммо Димашқда ўрнашиб олганларидан кейинги маълумотларим, отамнинг бошларидан ўтган ҳолатларга ўзимнинг тўғридан-тўғри хабардорлигим натижаси эди. Энди мен воқеаларни қамраб олиш ва ҳодисаларни фаҳмлашга имкон берадиган ёшда эдим.

Димашқда, ўзлари ўрнашган қурдлар мавзесида чуқур илм ва тақвода танилган ажойиб уламолар билан танишдилар. Улардан мулло Абдулмажид, мулло Али, шайх Муҳаммад Жазв, мулло Саъид, мулло Абдулжалил ва мулло Холидларни эслайман. Отам билан улар ўртасидаги танишув масжидда учрашиб қолиш, йўлда ё дўконда кўришиб қолиш ёки илмий мавзудаги савол-жавобга ўхшаш ўткинчи муносабатларда бўлганди. Буларни айтишдан мақсадим, отамнинг Димашққа илк келган пайтларидаги ҳолатлари дин олимларидан бирортасининг назарини жалб қиладиган бўлмаган. Хусусан биринчи келган вақтларида олди-сотди ва бозор билан муомала ишларида бандликларида шундай бўлган.

Отамнинг кўринишларидаги ҳамма нарса у кишини омма одамлардан бири эканликларига далолат қиларди. Аҳли илмга боғлиқлик ва кўринишда уларга ўхшашлик йўқ эди. Илк кунларидан салла, жубба ва буларга ўхшаш уламоларнинг кийимларини киймасликка интилдилар. Аммо фуқаҳолар масалан тожир, саноатчи ёки дехқоннинг уламо кўринишида кўринишни қариқ билишган. Шунингдек дин ва унинг ҳукмларини яхши биладиган забардаст уламоларни мазкурларнинг кўринишида бўлишини ҳам макруҳ санашган.

Лекин ушбу уламоларнинг отамга нисбатан эҳтимом ва ҳайратли назарларини жалб қилган нарса уларга отамда кўринган фикҳий маълумотнинг дақиқлиги ва кенглиги бўлган. Бу эшлашга арзимайдиган ўткинчи муносабатларда юзага келганди.

Демак бунинг ортидан отам ва ўша уламолар ўртасида садокат ва дўстлик алоқалари тикланган. Кўп ўтмай отам қурдлар мавзесида қурд уламолари ўртасида биринчи шофеъий фақиҳ бўлиб танилдилар. Бошда атрофдаги қурд толиблар у кишига йўналган бўлса, сўнг Димашқнинг ҳамма мавзеларидан, мадрасалар ёки шайхлар қўлида таълим олаётган шаръий илм толибларининг аксари отам сари юзланди.



Отамнинг Димашққа хижратдан олдинги илм, талабалар риояси ва уларга дарс беришдек ҳолатларига қайтишни Аллоҳ таоло мана шундай хоҳлади. Яна отам фикҳ, тафсир ва турли дунёвий илмлардан дарс бера бошладилар. Лекин отам бир вақтнинг ўзида хожат тақозо қилиши биланоқ бошқа тирикчилик ишларига ҳам аралашардилар. Бундан малолланмасдилар ва ор қилмасдилар. У кишини таниган доираларда отамнинг икки шахсиятлари бор эди. Бири ибодатли олим ва фақиҳ шахсияти бўлса, иккинчиси тожир ёки хунарманд шахсияти эди.

Лекин одамлар отам раҳимахуллоҳ сулуқларидаги бу жуфтликни қандай қабул қилишди?

Агар биз аксар уламоларнинг таржимаи ҳолларини ёдга олсак, уларнинг ҳар бирларининг ҳаётларида бу жуфтликни топамиз. Балки бу ҳол матлуб комилликнинг кўриниши эканини биламиз. Шундан маноқиблари ва уларга мақтов дунёни тутган кўпгина олимларни хунарманд, деҳқон ёки савдогар бўлганларини кўрамиз. Уларнинг тирикчиликлари қўл меҳнатлари ва пешона терлари билан эди.

Кейинчалик бу урф бизнинг замонимизга келиб ўзгариб кетди. Энди аксар одамларнинг кўзида олим қачонки касб ва ишдан юқори бўлса олим саналадиган бўлди. Агар у бозор ёки тирикчилик сабаб, тер тўкиш даражасига пастласа шаънига доғ туширган ҳисобланди. Бўлгандаям уларнинг назарида бу олим илмига доғ туширган бўлади. Амр олим кишининг илми уни емайдиган ва ичмайдиган фариштага айлантира оладими?

Албатта олим касб-хунар ишларига шўнғишдан амалда ўзини баланд тута олади. Лекин ейиш, ичиш, оила ва уй-жойга бўлган хожатдан баланд туролмайди. Бу ҳолатда у ё давлатнинг берганига ва ўзига ўхшаганларга ажратилган ажратмалар ҳисобига яшаши мумкин. Ё муҳсинларнинг хайр ва эҳсонларига қараб қолиши керак бўлади. Шариат ўлчови ва ҳукмига кўра унисидан ҳам, бунисидан ҳам яхшиси олим тирикчилик йўлидан ажраган бўлиши керак. Бу нарса унинг мустақил манбага таянишида ва одамлардан беҳожатлигида амалга ошади. Шу сабабли у қандай бўлишлари ва қайси табақа ёки тоифага мансуб бўлишларидан қатъий назар одамларнинг қизиқишларидан ёки уларни риоя қилишдан бош тортиш машаққатларидан қутилади.

-15-

### Бу менинг отамдир

Отамни ўзларига бегона янги жамиятда илмий шахсиятларини пинхон тутишга ва арзимас лиралари билан меҳнат йўлига ўзларини уришга ёрдам берган ва шижоатлантирган нарса, хижрат қилганлари собиқ жамиятда ҳам айнан шундай йўл тутганликлари бўлди. Зеро ўшанда ҳам вақтларининг ярмини талабалар таълимига, масжид ишларинининг риоясига ва одамларни Аллоҳга йўллаш ва даъват қилишга сарфлардилар. Сўнг қолган ярмини дала ва ерларида ҳамма деҳқон биладиган турли зироат ишлари билан ўтказардилар.

Хотирамда қолган нодир суратлардан бири ҳеч унутилмас мана бу ажиб кўринишдир; онам далада қайнаган сув тўлдирилган катта қозон ортида ўтирибдилар. Унда онам узум шингилларини чаяр ва атрофга ёйиб чиқардилар. Отам эса сўритокдан узум бошларини узар, уларни катта саватга солиб кўтариб келар, сўнг мазкур қозон ортида ишларини давом эттиришлари учун онам олдиларига тўкиб кетардилар. Гўдаклик зехнимга ўрнашиб қотиб қолган ушбу кўринишни ўша пайтда қандай изоҳлашни билмасдим. Лекин кейинчалик билдимки, икковлон майиз тайёрлашга шу қадар берилишгандики, болалари нигоҳларидан қочиб кетмаслиги учун уни ўзларига яқин жойга ўтқизиб қўйишганди.

Касб мажбурияти билан илм вазифалари мутаносиблиги тўғрисида отам роҳимахуллоҳ тушунган бу табиий ҳолат олим кишининг вужуди ва сулукида Шомга ҳам кўчди. Шу сабаб айни йўлни тутишда давом этдилар. Гарчи дала ва унинг ишлари энди бўлмасада, озгина мол

билан меҳнат қилиш имконияти мавжуд эди. Хотирамда айна шу далолатга ундайдиган бошқа бир сурат ҳам муҳрланган. Лекин у Димашқдаги янги ҳаётларига тегишли.

Димашққа етиб келишимиз билан жойлашган хонамиздан бир йил ёки кўпроқ ўтиб бошқа мустақил ҳовлига ижарачи бўлиб кўчдик. Бу ҳовли ҳозир Шамдин деб номланадиган майдоннинг у бетидаги Арафот номли кўчада эди. Эсимда бор, отам мен таърифини келтирган иш бўйича жазирага сафар қилгандилар. Бир кун менга, ана отанг келяптилар, дейишди. Уйимиздан майдонга элтадиган тор кўча бўйлаб чопдим. Ўша пайтда ёшим саккизларда эди. Бирвақт қарасам ҳайвон тортаётган арава келяпти. Буни бизда танбир дейишади, унга бир неча ёғидиш юкланган. Отам юқорига ўрлаган тош кўчада арава эгаси билан эгилган ҳолда, бор кучлари билан аравани итариб келяптилар!

Кўпчиликни ажиб фарқи кўринишда кўринган ушбу жуфтлик ҳайратга солмасди. Лекин тўғри йўл шу эди. Қадрият ва қарашлар тақозо қиладиган ҳолат мана шу эди. Отам сўзлаб беришларича, курдлар мавзесида обрўли бир киши шундай деган экан: “Бу шаҳарга келган пайтингизда сизни бошқа кўпчиликка ўхшаб муҳсинларнинг садақаларига қараб қолган кишилардан бири, деб ўйлагандик. Лекин сиз меҳнатга бош билан шўнғишингиз ва ўзингизни садақадан баланд тутишингиз билан бизнинг ва аҳли илмнинг бошини юқори кўтардингиз.”

Муҳими, отамнинг кўпчилик одамларнинг зехнида аҳли илмга лойиқ бўлмаган ишларга киришганлари ва фаолият юритишлари шариат олимларидан бир олимнинг обрўсини одамлар наздида кеткизмади ёки камайтирмади. Бу ҳол ҳатто дунёвий ишларга ўралашиш дин олимларига ярашмайди, деб биладиган кишилар наздида ҳам содир бўлмади.

Отам билан мавзе уламолари ўртасидаги борди-келди тўхтовсиз давом этди. Мен бу олимларнинг исмларини олдин зикр қилгандим. Бу учрашувлар доим илмий муноқашалар билан тўлиб-тошарди. Хуфтон ё шом намозидан то ярим тунгача давом этадиган бундай учрашувлардан баъзиларига отам мени ҳам ўзларига ҳамроҳ қилардилар.

Кўп ўтмай отамнинг исмлари мавзе уламолари ўртасида имом шофеъий фикҳидаги биринчи олим сифатида машҳур бўлди. Отамнинг қўлларида шариат илми толибларидан турли хили дарс оларди. Уларнинг ичида жазирадан отам қўлларида таҳсил олишни қасд қилиб чиққанларидан тортиб, мавзенинг ўзидан курдлар ҳам ва хар-хил шаръий маъҳадларда таҳсил оладиган араб талабаларгача ҳам бор эди.

Отам роҳимахуллоҳ Димашққа келган кунларидан бошлаб тақрибан саккиз йил имомлик, хатиблик ёки масжидда диний мударрислик каби ҳеч бир диний вазифага боғланмадилар. Жамоат намозларига мулла Қосим масжиди деб аталадиган, курдлар мавзесидаги хонамизга яқин кичкина масжидда ҳозир бўлардилар. Шамдин майдонига яқин мустақил ҳовлига кўчган пайтимизда эса, намозларини Рукниддин масжидида адо эта бошладилар. Мана шу ҳолда етти йилга яқин давом этдилар. Рамазон ойининг охириги ўн кунлиги кирганда шу масжидда эътикоф ўтириб, уни то ҳайит тонгигача тарк этмасдилар. Бу вақт мобайнида фақатгина жума намозини Ҳанобила жомеъида ўқирдилар. Мавзе уламоларининг ҳаммалари жумани шу масжидда адо этишарди. Уларнинг бу масжиддаги учрашувларининг одамлар руҳиятига жуда катта таъсири бор эди. Мана шу нарса одамларнинг кўпчилигини уйларидан, узоқ жойлардан жума куни келиб айнан шу масжидда намоз ўқишга ундарди.

-16-

### **Ва ниҳоят Рифоъий масжидига боғланиш**

Шамдин майдонининг ғарб қисмидаги юқори томонда, ундан тақрибан икки юз метрча узоқликда фақирона бир маҳалла бўлиб, уни Янги торкўча деб номлашарди. Бу маҳалланинг

катта бир қисми фақирлик билан бирга ахлоқсизлик, жаҳолатпарастлик ва бузукликдан ҳам азият чекарди. Мана шу торкўчанинг ўртасида тошлиқ майдон бўлиб, одамлар бу жойни ахлатхона қилиб олишганди.

Кунлардан бир кун ана шу маҳалла аҳлидан қурилишда ишлайдиган икки кишининг ҳаёлига атрофга вабо ва озор манбаи бўлган ушба ахлатхонани тозалаш фикри келиб қолди. Улардан бири бу тоштепалик узра масжид қуриш маъқуллигини айтди. Шунда масжид бу жойни келажакда ахлат ва нажосатлардан муҳофаза қилишга гаров бўлади, дея мулоҳазасини изхор қилди. Бу фикр маъқул тушди ва фикр эгалари лойиҳани молиялаштирадиган киши излашга киришишди.

Таклиф қурдлар маҳалласининг бойларидан ҳисобланган Абу Сулаймон Қоражули деб чақириладиган, асли исми Муҳиддин бўлган одамнинг қулоғига етиб борди. Бу одам тақводор ва диёнатли киши эди. Жойни кўргани борди. Атрофдаги кишилар билан танишиб чиқди. Ва масжидга эҳтиёж катталигини кўрди. Шундан лойиҳага киришилди ва бу одам харажатларни берди. Бу таклифни ўртага ташлаган икки қурувчи бино барпо бўлишида ўз шахсий хизматларини бепул тақдим этишди.

Ёдимда, Аллоҳ азза ва жалланинг хоҳиши билан масжид ёки намозхона жуда қисқа муддатда битди. Масжид кичкина бўлиб, эллиқдан ошиқ намозхонни сиғдирилмасди. Унинг орқа томонида кичкина очик майдон бўлиб, унга муаззин ё имомга бир хона қурилади. Бу масжид ва биноси бошида турганлар унда одамларга намоз ўқиб берадиган имом излай бошлашди. Шунда бино харажатларини кўтарган ўша Абу Сулаймон мулла Рамазон номли улўғ шайх ва олимни уларга таклиф қилди...

Муҳиддин Абу Сулаймон отамни танир, у кишининг илми, зоҳидлиги ва ўзини дунёдан баланд тутишларига муҳлис эди. Бу вазифани таклиф этиш учун олдиларига келди. Маъқуллашларига рағбати кучли эканини изхор этди. Бу маҳалланинг ҳолини ва улар намозга одам йиғиб берадиган масжидга ва насихат этадиган, ҳамда ҳақни кўрсатадиган олимга қай даражада муҳтож эканларини тушунтирди.

Отам бу таклифни бир муддат ўйлаб кўрдилар. Шу аснода Аллоҳга истихора ҳам қилдилар. Айрим олим дўстлари билан маслаҳатлашдилар ҳам. Уларнинг бошида отамнинг хос дўст ва маҳбуларидан шайх Муҳаммад Жазв бўлдилар. Натижада Аллоҳ у кишининг қалбини бу вазифага қойим бўлишга очди. Шунда ўзлари яшаб турган Арафот кўчасидаги ховлидан, масжидга жуда яқин бўлган, унинг фойдасига вақф қилинган ховлига кўчиб ўтдилар.

Шундай қилиб Янги торкўча деб номланган жойга кўчиб ўтдик. Бу жой ўша пайтда ёввойи ва зўравон минтақа эди. Унда жоҳиллар тоифаси яшар, улар бўзбололик хунарлари билан машғул ва бузуқликлари билан машхур эдилар. Отам бу одамларни тўғри йўлга сола олармикинлар?

Отам имом сифатида масжиддаги вазифаларини адо эта бошладилар. Кўп пайтларда муаззинлик ҳам қилардилар. У вақтларда беш маҳал намоз ўқийдиган кишилар кўп эмасди. Масжидни маблағига қурдирган ўша киши масжид имоми ва бошқарувчисига натура маош белгилаб қўйганди. Ўша кунларда у бир ҳамл (249,6 килограммга тенг оғирлик ўлчови) буғдой бўлиб, йилда бир берилар эди. Бу одамлар рўзғорлари ва тирикчиликларида асосан буғдойга таянадиган 1941-йил эди.

Масжидда аср, шом ва хуфтон намозларида намозхонлар сони ўндан ошмасди. Бомдод намозида ҳам шу атрофда киши бўларди. Аммо пешин пайтида эса кўпинча бирор киши ҳам келмасди. Мана шунақа пайтларда отамнинг одатлари маҳалла аҳли намознинг вақти кирганини билсин учун азон айтиб қўйиш, кейин жамоатни топиш учун Рукниддин масжидига шошилиш бўларди. Масжидда намоз ўқиб беришни бошлашлари биланоқ отам бомдод намозидан кейин дарслар ва ҳар жума куни аср намозидан кейин дарс ташкил қилдилар. Кўп дарсларида мен ҳам ўтирар ва ҳозирларга назар солардим. Намозхонлардан бармоқ билан санарли нафаригина қолар ва масжид деворларига суяниб у ер, бу ерда сочилган ҳолда ўтиришарди. Уларнинг кўпларига уйқу ёки эсноқ ғолиб келарди.

Ўзлари боғланган вазифадаги янгилик шу бўлдики, у отамни олдин қилганларидек олди-сотди ишларини бажариш учун жазирага сафар қилишдан тўсиб қўйди. Бунинг ўрнига отам яхши кетадиган ва курдлар излаб юрган кичик ҳажмли китобларни топдилар. Бу китоблар курдларнинг тиллари, тарихлари ва умумий исломий одоблар ҳақида бўлиб, олдин чоп қилинмаган бўларди.

Кўлма-кўл бўлиб юрган бу китобчалар одамларда яхши сақланган эди. Отам уларни ўз маблағларига чоп эттирардилар, сўнг сўраганларга почта ёки кишилар орқали етказардилар. Мана шу йўсинда чоп этиб, тарқатган ва курдлар ўртасида яхши қабул қилинган китоблардан “Наҳжул-аном” номли китоб бўлиб, курд тилида ёзилганди.

У ўз ичига ҳар бир мусулмон билиши керак бўлган исломий ақидаларни олиш билан бирга, айрим одоблар ва ахлоқий қоидаларга ҳам ўрин берганди. Бошқа китобнинг номи “Навбахор”, яъни янги баҳор бўлиб, у арабча-курдча кичик шеъринг қомус эди. Муаллифи “Мумаввизийн” қиссаси муаллифи машҳур адиб ва шоир Аҳмад Хоний эди. У янгидан курд тилида чоп этилганди. Билишимча бундан олдин нашр қилинмаган. Мана шу китоблар Сурияда ва Туркия ҳудуди ортида яшайдиган курдлар ўртасида кенг тарқади. Бу ишлари отам роҳимахуллоҳни сафар машаққатларидан қутултирди ва янги вазифаларини гўзал вазҳда адо этишларига ёрдам берди.

-17-

### Адашув... ва ислоҳ йўли

Катта қийинчилик масжид вазифаларини адо этишда эмасди. Лекин у бошқа манбадан бўлиб, жаҳолат, балки ушбу маҳалла аҳлининг аксарисидаги бефаросатликдан келарди. Отам фақат ана шу воқеъликка сабр қилиш билан кифояланмай, балки уларнинг ҳидоят ва ислоҳи масъулиятини ҳам ўз зиммаларига олгандилар.

Олим ёки Аллоҳга чақирувчи бу йўлдаги мададни тили, илми, бағрикенглиги ва тоқати ортиқлигида намоён деб ўйласа, кўп ҳолларда умидсизликка тушиб қолиши бор гапдир. Отам ҳам ўзларининг чуқур билимлари ва бурро арабий тилларига суяндилар. Шунингдек сабру таҳаммулга таяндилар. Балки буларнинг барчасидан кейин қўлида ҳокимият ва куч-қувват борлардан фойдаландилар. Булар воситаларнинг бирортаси ўша жоҳил, балки бефаросатларнинг айримларини ҳам тўғри йўлга солиш йўлида ҳеч қандай натижа келтирмади. Балки буларнинг ҳаммасидан кейин ёрдамга келган нарса, Аллоҳга кўп илтижо ва тун зулмотларида ва саҳар чоғларида Унинг ҳузурини узок тазарру қилиш бўлди. Қанийди Аллоҳга чақирувчилар бузғунчиликни ислоҳ қилиш ва эгрини тўғирлашда бу ажиб қуролнинг қийматини қай даражада эканини билишса эди. Бу айтаётганларимга битта мисолни кўрсатиш билан кифояланаман...

Бу Аллоҳнинг ўзларига фазлини баён қилиш, ҳамда олимлар ва Аллоҳ азза ва жаллага чақирувчилар юриши керак бўлган услубга огоҳ этиш учун отам ҳар муносабатда тақдорлайдиган мисолнинг айна ўзидир.

Отам айтадилар: “Бу маҳаллада менга девор-дармиён қўшни бор эди. Қўлидан ҳамма ёмон ишни қилиш келарди. Ароққа муккасидан кетган, тили захар, фаҳшда моҳир... булардан ошиб тушган мусибатнинг оғири, у бир фоҳиша аёлни олиб келган бўлиб, аёл унинг уйида турар, эркакларни унинг уйида қабул қиларди. Ҳеч бир кеча шовқин-суронсиз, қулоқни қоматга келтирувчи қўшиқларсиз ва мусиқа товушларисиз ўтмасди.”

Отам яна айтадилар: “Маҳалла аҳлидан бўлган намозхонлар билан гаплашдим. Унга алоқаси бор ёки гапи ўтадиганларга насиҳат қилдим. Сўнг сулук ва одобга масъул кишиларга ҳам хабар бердим. Уларнинг ҳаракатлари ҳеч қандай фойда келтирмади. Бу одам унинг ёмон ишларига турли йўллар билан қаршилик қилаётганимни билиб қолди. Шу сабаб менга ўлдириш билан таҳдид эта бошлади. У ўта ёвуз ва тажовузкор эди. Тунлардан бирида, тонгга

якин ҳовлисидан маст ҳолда чиқиб келди ва ҳовлимиз эшигини кўтаришга кучи етган оғир тош билан қоқа бошлади. Шу билан бирга у оғзига келган сўкиш ва ҳақорат билан бақирарди. Ўша куни ёки эртасига бомдод намозида масжид дарчаси орқали оғир тошлардан ўқ ёмғирини ёғдирди. Ўша пайтда одамлар масжид ичида намозга саф тортишганди.

Мазкур йўл ва воситаларнинг ҳеч бири иш бермай, ноумид бўлганимдан кейин, уни ҳидоят қилиб, ҳолини ислоҳ этишини сўраб тазарруъ ва дуо билан Аллоҳга йўналдим. Буни ўзимга тонгдаги вазифам қилиб олдим. Саждаларимда унинг ҳаққига ўтиниб дуолар қилардим. Бу саждаларим жуда ҳам узун бўларди. У тўғрида Аллоҳ азза ва жаллага муножот этар ва унга ҳидоят сўрардим.

Кунлар ўтмай бу одам аёлни уйидан чиқарди ва аёл ўз йўлига кетди. Кунлар ўтмай бу одам шаробни ташлади. Оз ўтмай қарасам у масжидда, изтироб ва синиқлик билан менга юзланди. Ўпиш учун ўзини кўлимга отди.”

Эсимда бор, бу одамнинг ҳоли бундан кейин мукаммал ислоҳ бўлди. Тасодиф тақозоси билан отам ўша йили иккинчи марта ҳажга, Маккада танишган биродарлари Ҳасан Баҳрий роҳимахуллоҳнинг меҳмони сифатида борадиган бўлдилар. Отам роҳимахуллоҳ келишлари шарафига ҳовли эшигини безамасликни бизга тавсия этдилар. Бундай қилиш кўпчилик одамларнинг одатлари эди. Одамлар отамнинг келишлари якин қолганини эшитган пайтларида, ўша тавба қилган кўшнимиз келишлари шарафига ҳовли кираверишини ажраб турадиган улкан безак билан зийнатлайман, деб туриб олди. Бундай қилмаслини насихат этдик ва тавсиялари хабарини бердик. Бу иш у кишини хурсанд этмаслиги, балки ғазабларини кўзгагини унга таъкидладик. Лекин у бировнинг насихатига қулоқ тутмади. У илк тавба қилган пайтлари дўстларидан ажраб турган маҳалланинг чакқон ёшларидан эди.

У ҳовли кираверишига дарахт шохлари ва баргларидан безак ясади ва атрофини ўзининг ва дўстларининг уйидан олиб келган гиламлар билан зийнатлади. Сўнг ҳовли эшигигача тўшак тўшади. Бу жойни кечаю кундуз тарк этмади. Отам келган пайтларида бу Абу Саййаҳ (бақироқ, кечалари билан шовқин кўтариб чиққани учун шундай аталган-тарж.) кутиб олувчиларнинг бошида эди. Биз шошиб отамга ихтиёримиздан ташқари бўлган ишларнинг хабарини бердик. Шунда отам тўхтаб дуо қилдилар.. (бундай иззат-икромга лойиқ эмасликларини эътироф қилиб) аҳли бўлгани учун Аллоҳга сано айтдилар. Гўё отам фикр ва рағбатларига зид бўлган бу истисноли зийнатлар, ярим тунда ҳовлилари эшигига отилган тошлар учун узр сўраш сифатида бўлганини билгандек эдилар.

Сўнгра маҳалла истиқомат ва тақвода оз-оздан яшнаё бошлади. Намозхонлар кўпайиб уларга масжид торлик қилиб қолди. Оз ўтмай маҳалла аҳли масжидни кенгайтириб, унга олдингисидан кам бўлмаган нарсалар қўшишди. Шундан кейин бу масжидга одамларнинг янада кўпайишини ва узоқ маҳаллалардан намоз ва дарслар учун кўпчилик келишини Аллоҳ хоҳлади. Уни кенгайтириш учун иккинчи марта кўшимча қилиш зарурати туғилди. Рифоъий масжиди номи ёйилди. Кўп пайтларда эса шаҳарда мулло Рамазон масжиди номи билан атала бошлади. Унга келувчилар хусусан жума ва ҳайит кунлари зиёда бўлди. Бундан кейин масжидни янада кенгайтиришга тўғри келиб қолди. Ёнга қараб кенгайтиришга имкон қолмаганди. Биргина ечим масжид қаватини кўпайтириш эди. Масжид охири шу йўл билан кенгайтирилди.

Янги маҳалланинг қирқ йил олдинги ҳолатини билиб, бугунги ажиб исломий ҳолини кўрган одам, Аллоҳнинг чириган суякни қандай жонлантиришининг мукаммал ва улкан маъносини идрок қилади. Даъват машаққати ва унинг узун йўлидаги қонли тиканларга сабр ва бардошли бўлиш қийматини англаб етади.

Машаққатли меҳнатлар бўлганини мен тасаввур этаман ва яхши хотирлайман. Отам бу тўғрида башарий табиатларига ғолиб келгандилар. Ҳидоят кутилганидан ва орзу қилинганидан ҳам мукаммал ва ажойиб рўёбга чиққунича, савобга ишонч ва ҳидоят орзуси бу ғолибликка омил бўлганди. Одамлар ҳидояти ва Аллоҳ азза ва жаллага даъват тўғрисида рост рағбат этган киши олдида ягона очиқ йўл мана шудир...

**Тавфиқ Аллоҳдан... банданинг ҳеч маҳорати йўқ**

Отам роҳимахуллоҳ Димашқдаги ғариблик ҳаётларида доимий ҳамроҳлари бўлган Раббоний тавфиқ ҳақида гапирганларида бу жумлани ёки бунинг маъносидагини кўп такрорлардилар. У киши шундай дердилар: “Бало ва синовларда ўзига ишонадиган иқтидор эгасимасман. Балки ҳамма ишда дарвешлик ва оддийликка интилдим. Бутан жазирасида мени танийдиган кишилар мулло Рамазон Шомдаги ишларини йўлга солиб олишнинг имконини қилибди ва у ерда яхшилик ва саодатли ҳаёт кечираётган экан, деган гапларни эшитган пайтларида, бунга ишона олмадилар. Уларнинг кўплари ўз омадларини синаб кўриш умидида бўлдилар. Чунки моллари мўллиги ва тажрибалари кўплиги учун ўзларини Димашқдаги тўкин ҳаётга мендан кўра қодирроқ ҳисобладилар.

Отам айтадилар: “Лекин бу ерда қарор топишим манбаи мендаги тажриба ва маҳорат эмаслигини, балки Аллоҳдан бўлган иноят ва раҳмат уйдан чиққанимдан бери доимий ҳамроҳим эканини улар билмасдилар. Масалан бозорга кирсамда, унинг ишларидан бирор нарсани билмасдим. Молни харид қилиб, сўнг сотардим. Менда тижорат ишларида, одамларнинг ҳоллари ва кўпларининг макрлари тўғрисида билим йўқ эди. Неча марта ҳонавайрон бўлиш ва синиш даражасида тойиб кетдим. Сўнг Аллоҳ тарафидан бўлган бевосита кутқариш мени бу вазиятдан халос қиларди”.

Отам мана бу ажиб мисол ёдларига тушганда бизга кўп бор айтиб берардилар: “Кунларнинг бирида Синонийя жомеъи орқасидаги тиқилинч ва қоронғу бозорнинг ичида айланиб юрардим. Жазирада сотиш учун бир неча камзул харид қилмоқчи бўлдим. Курдлар уни яхши кўришарди.

Қидирган нарсамни бозордан топдим. Киссамда янги, ялтироқ франклар солиб олгандим. Худди ўша чўнтагимда бир нечта тилла лиралар ҳам бор эди. Уларни қоғоз ўрамгина франклардан ажратиб турарди. Менимча ўрам очилиб лиралар франкларга мен билмаган ҳолда аралашиб кетибди. Сотувчига камзуллар нархини ана шу франклардан санаб бердим. Атроф зимистон ва қаттиқ тиқилинч эди. Уларни қолдириб, йўлимда давом этдим. Ҳали ўн қадамча юрмасимдан соч-соқоли қиртишланган, дўппили, танимайдиганим бир йигит мени тўхтатди ва салом берди. Ва менга: “Ё шайх, биздан харид қилмадингиз?”, деди. Ҳали жавоб қилмасимдан олдин қўлимдан ушлаб: “Келинг”, дедида, издиҳомни ёриб ўтиб, мени камзул сотувчи олдига олиб келди ва унинг юзига: “Лираларини бунга бер!”, дея ўшқирди. Сотувчи ҳанузгача лираларни кўлида ушлаб турган экан. Назаримда у ҳам франклар ўртасида тилла лиралар борлигини билмаган эди. Қўлини хоҳламай очди ва қабзаси орасида тилла лираларни кўриб даҳшатга тушди. Ҳайрат оғуши ва сотувчидан уларни қайтариб олиш асносида ўнгу чапга қарадим. Бу дўппили йигитни топа олмадим!...”

Отам айтардилар: “Мени асраган ва ишларимни осонлаштирган “тажрибам” ва “маҳоратим” мана шу эди. Бу фақат Аллоҳнинг иноятигина эди. Бу менимча, Аллоҳ азза ва жалланинг: “Ким Аллоҳ йўлида ҳижрат ҳилса, ер юзида кўп паноҳ бўлгудек жойларни ва кенгчиликни топгай”, деган (Нисо сураси, 100-) оятига кучли ишончим натижасидан келганди”.

Яна айтадилар: “Айрим одамлар менга тақлид қилиб эргашдилар. Ва Туркиядан Димашққа келишди. Улар кўпгина маблағлари ёнига, тижорий тажрибалари ва ҳунармандлик маҳоратларини кўшиб келишганди. Молим камлиги ва тажрибасизлигимга қарамай, менга доим муваффақият ҳамроҳлигига таққослаб, ўзларининг кенг бойликлари билан албатта муваффақият қозонишларига умид этдилар, дунё роҳатларига муккасидан кетдилар.”

Отам фалончи тикувчи ва фалончи тожирни мисол қиладилар. Икковлон ўзларига берилган тажриба, имконият ва дастмоядан фахрланар эдилар. Икковлон роса ҳаракат қилишди, яна ҳаракат қилишди, ҳамма эшикни қоқишди. Ҳимматни баланд этишди,

тажрибаларини ишга солишди. Аммо ҳаракатлари ҳеч наф келтирмади. Молларига ҳаражатлар рўбарў бўлди, ҳожатлар силсиласи еб-битирди. Ва келган жойларига қайтиб кетишди.

Яна бошқа мисол келтирадилар: “Фалончи қўй савдогари. Тижоратида синиб қолади. Мени жазирага қилган сафаримдан ясмиқ ва нўхот каби донларни олиб, маъкул нархга сотганимни кўрган пайтда ўз шериги билан тижоратини донлар билан қилишга ўтишди. Молиявий ҳажмига кўра жуда катта битим тузишади. Аммо бу тажрибада ҳам икки шерикка тавфиқ қардош бўлмади.”

Отам роҳимахуллоҳ яна айтадилар: “Бир кеч бу икковлон кўрган зарарларидан шикоят қилиб олдимга келишди. Молларидан бир миқдорни мендаги бориға кўшишни таклиф этишди. Харид қилган ва сотганимда уларнинг ҳисобларини юритишимни сўрашди. Мен уларнинг сўровларини қабул қилдим ва молларини олдим. Шундан кейин сафарга чиқдим, харид қилдим ва дон-дуннинг катта ва оғир бўлагини юклаб ортга қайтдим. Сўнг Аллоҳ тавфиқ бериб, уни ўзимнинг арзимас молим баробарида кўрадиган нисбатдаға фойдаға сотдим. Тўпланган пайтимизда мен уларга ҳисобни кўрсатдим.

Икковлоннинг юзлари хурсандчиликдан ёришиб кетди. Мен улар молларини менга музораба йўли билан беришган деб ўйлагандим. Бунда ишловчи сифатида фойдадан бир қисмга эғалик қилишим керак эди. Лекин қутилмаганда улар мол менга вадиъа (омонат) сифатида қўйилганини айтишди. Бунда менинг қилган ишим ҳолис инсоний хизмат бўлди ҳолос. Шундай қилиб уларга молнинг ҳаммасини; дастмоя ва фойдани тўлиқ қайтардим, ўзимга эса Аллоҳ ҳузуридан ёғаётган ажр билан кифояландим.”

Ибрат учун айтиб қўяман: Бу икки шерик ўзларига фойдаси билан қайтган молдан нафланишмади. То сингунларига қадар зиёндан зиёнға ўтиб юришди. Аллоҳ ҳаммани раҳмат қилсин ва кўрган-эшитганларимиздан рост ибрат олиш билан ризқлантирсин!

Аллоҳнинг отамнинг янги ҳаётларида бераётган фазл-марҳамати кўринишларидан яна икки ишни зикр этишим лозим: Улардан бири, Рифоъий масжидидаги имом ва хатиблик вазифаси Димашқ вақфига ўтказилишидир. Отам бунга интилмаган ва ҳатто ҳаёлларига ҳам келтирмаган эдилар. Лекин узоқ йиллар масжид ишлари ва вазифаларига бошчилик қилганларидан кейин, Аллоҳ бу ишга Ҳасан Мазик (роҳимахуллоҳ) исмли бир кишини тўғирлаб қўйди. Бу одам отамни танир, лекин отам уни танимасдилар. У масжидни вақфлар мулкига ўтказиш ва отамни вақфлардан маош оладиган вазифаға тайинланишлари учун каттиқ туриб олди. Ва охирида шундай ҳам бўлди.

Иккинчиси эса, отам роҳимахуллоҳ ўзлари яшаб турган вақф ҳовлидан, Аллоҳ у билан икром этган ўзларининг шахсий ҳовлиларига кўчиб ўтдилар. Отам бу ҳовлини арзон баҳоға вақфлардан сотиб олдилар. Ва имкониятлари доирасида унда қурилиш қилдилар. Ёдимда, бу йўлда отам кутубхоналарининг катта қисмини сотгандилар. Яна эслайман, ўша пайтдаги курдларнинг улуғларидан бўлган Умар оға Шамдин, бино қонунга зид шаклда қурилгани сабабли бузиш учун ҳокимиятдан ҳар вақт келиб турадиган кишиларга тўсқинчилик қилиб турарди. Балки иш ва биноға таҳдид соладиган ҳар қандай хатарға у киши ўзини доимий кўриқчи ва ҳимоячи қилиб олганди.

Умар оға Шамдин отамнинг солиҳликлари ва илмда ишончли эканликларига мутлақ инонардди. Шу сабабли отамни жуда қаттиқ севарди. У кишиға шайхға муриди қиладиган муомалада бўларди... Аллоҳ у кишини раҳматиға олсин, ҳаммани раҳмат қилсин ва бизни улар билан бирға икром ва мағфират майдониға баробар киргизсин!

-19-

**Фарзандлари.. ва уларни тарбиялашдаги усуллари**

Отам Димашққа ҳижрат қилган пайтларида мендан тақрибан уч ёш катта Зайнаб исмли опам, тахминан икки ёш кичик Руқайя исмли синглим бўлган. Олдин айтганимдек мен отамнинг ягона ўғил фарзандлари бўлганман. Руқайя Димашққа етиб келган илк кунларимизда вафот этган бўлса, Зайнаб Димашқдалигимизнинг бешинчи йиллари боқий дунёга рихлат қилди. Ўша пайтларда Рукниддин масжидининг тўғрисидаги Арофот торкўчасида яшардик. Отам кейинчалик Наима исмли қиз билан ҳам ризқландилар. Лекин у ҳам етти ёшга етмай ўлиб қолди.

1942-йилнинг охирларида онам роҳимаҳаллоҳ ҳам узоқ йиллик хасталиқдан сўнг вафот этдилар. Ўшанда мен ўн уч ёшда эдим. Озгинадан кейин отам обрўли турк хонадонидан бўлган бир қизга уйланишларини Аллоҳ азза ва жалла ирода этди. Бу никоҳдан икки қиз туғилди. Каттасининг исми Зайнаб, кичигининг исми Хадижадир. Аллоҳга шукрки, улар яшаб кетишди ва отам ҳаётликларида турмушга чиқишди. Улар бугунда ҳам хайр ва офиятда ҳаёт кечиришмоқда.

Демак, отамнинг мендан бошқа ўғил фарзандлари бўлмади ва иккинчи аёлларидан иккита қизлари қолди.

Отам роҳимаҳуллоҳ тарбиянинг биринчи ўчоғи оила ва бола тарбиясига биринчи масъул ота-она, деган эътиқодда эдилар. Тарбиядаги эркагу аёлнинг муштарак масъулияти, биринчи сўзларини айтаётган гўдакка жалолат (Аллоҳ) лафзини талқин қилиш (айтиб туриш) заруриятидир. Сўнгра мукамал жумла тузаётган болага калимаи шаҳодатни ўргатишдир. Бешиқдан беҳожат бўлиб, ишларни идрок қилиб, ёдлаб ақли кира бошлаганда унга борлиқ ҳақиқатларининг илки ва муҳимини билдириш лозим бўлади. Яъни бу – коинотни тадбир этадиган, ишларини идора қиладиган илоҳ борлигини, ҳамма инсон Аллоҳнинг қули ва мулки эканини, шунингдек расул ва пайғамбарларнинг охири Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг исмларини, оналари, оталарининг исмларини, туғилган жойлари, ҳижрат маконлари ва сийратларининг хулосасини билдириш керак бўлади. Ундан кейин Қуръонни бошидан охирига қадар талқин этилади.

Бу муҳим асосларни отам боланинг тирноғи юмшоқлигидан бошлаб татбиқ этардилар. Шунингдек қиз боланинг оиладаги тарбия ва таълимини унинг истиқоматли бўлишида аксар кафолатли ҳисоблардилар. Опа-сингилларим Зайнаб ва Хадижада бу қарашлари амалда татбиқ этилганди. Қиз бола исломий маданият ва маърифатга бўлган эҳтиёжини олгандан кейин, аёлларга тегишли ҳар қандай ҳунарни яхши ўрганишини маъқуллашдилар. Фақат ўша иш ва ҳунар қизлар таълимига зид бўлмаса бўлди. Шу билан бирга уларнинг таълим олишга йўллари покиза бўлишини шарт этардилар.

Менга келсак, ягона ўғил сифатида олти ёшга етганимда фозила бир аёлга мени олиб бориб бердилар. Аёл ёш болаларга Қуръон қироатини таълим берарди. Отам унга мени топширдилар. У менга Қуръон талқин қилишга ва ундан тўғри қабул этишимга қаттиқ эътибор берарди. Кейин билишимча, унинг ҳузурида Қуръонни олти ойда хатм қилган эканман. Ёдимда, отам бу муносабатни жуда катта тантаналар билан нишонладилар. Жуда саодатманд эканликларини изҳор қилдилар. Бу аёлнинг хизматлари учун тўрт тилла лира бердилар. Ишонаманки, ўзларида шунча миқдор қолмаганди.

Кейин мени Саружийя бозори ёнидаги Қурмоний торкўчасида жойлашган махсус ибтидоий мадрасага бердилар. Унинг мудирини танирдилар ва унга ишонардилар. Бу мадраса дин таълими, араб тили асослари ва риёзиётгагина эътибор берарди. Мен у томон Айнул Караш деб номланган боғлар аро узун тупроқли йўлни, пиёда ҳолда босиб ўтардим. Мен бориш ва келишда тупроқ ичра бу узун йўлни босиб ўтишга жуда қийналганимни яхши эслайман.

Шундан кейинги ягона муаллимим отам бўлганлар. Бошида менга ислом ақидаси асосларини ўргатдилар. Кейин саййидимиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сийратларини “Захиратул лабиб фи сийратил хабиб” номли мўъжаз рисола воситасида таълим бердилар. Сўнг наҳв ва сарфдан иборат восита илмларининг асосларини дарс бериб, наҳвда Ибн Моликнинг “Алфийя”сини ёдлатдилар. Менга ундан беш ёки олти байтни ҳар



кун изоҳлаб берар эдилар ва мен ўша куни уларни яхшилаб ёдлашим керак эди. “Алфийя”ни бир йилдан кам муддатда ёд олганим эсимда. Ўшанда ҳали балоғат ёшига етмагандим.

-20-

### Шайх Ҳасан Ҳабнака ва “Ислом тавжиҳи (йўналиши)” маъҳади

Мана шу аснода отам Димашқ уламоларидан улуғ олим, шайх Ҳасан Ҳабнака Майдоний билан танишдилар. Билишимча шайх билан биринчи учрашувлари Аҳмад Убайднинг “Арабийя” кутубхонасида бўлган. Шайх Ҳасан билан Аҳмад Убайд ўрталарида чуқур дўстлик бўлган. Отам янги келган китоблар билан танишиш учун вақти-вақти билан кутубхонага келиб турардилар. Ана шу учрашув пайтида отам шайхнинг Майдондаги шаръий маъҳадни идора этишларини билиб олдилар.

Сўнг унинг истеъдодли ва нажиб шогирдларидан бири, шайх Маҳмуд Мардиний (Аллоҳ у кишини сақлаб, узоқ умр берсин) имом Шофеъий фикҳида бирор китобдан дарс беришларини сўраб отам хузуларига келган вақтда, маъҳад хусусида янада кўпроқ маълумот олиш имкони бўлди.

Отам билан бу шайх ўрталарида алоқа ҳафталик дарслар муносабати билан янада чуқурлашди. Шу орада бир масжиддаги толиби илмдан ортиғи бўлмаган ва ҳали маъҳад номини олиб улгурмаган бу ўқув даргоҳи ҳақида отам анча тасаввурга эга бўлдилар.

Ўша вақтларда маъҳад шайх Ҳасан Ҳабнака роҳимахуллоҳ қўлларида шаръий илмлар таълим оладиган бир неча ўн ёшлардан иборат эди. Уларнинг илм даражалари турлича бўлиб, ҳаммалари шайх роҳимахуллоҳдан узлуксиз ҳар тонг дарслар силсиласини олардилар. Уларнинг ёшлари йигирма билан ўттиз ўртасида эди. Илм талаби учун ўзларини бағишлаб, уйларида узилган эдилар. Уларнинг доимий истиқоматлари Майдондаги Жизмонийя маҳалласига қарашли Манжак жомеъининг хужраларида эди. Олдин айтганимдек ҳали маъҳад номи бўлмагани учун, уларни Манжак жомеъи толиблари, дейишарди.

Отам ўз шогирдари шайх Маҳмуд Мардинийга ёлғиз ўғилларини ушбу маъҳадга ўқишга бериш ҳақида маслаҳат солдилар. Ёшим кичиклиги ва билимим озлиги муаммо ёки ортда қолишни пайдо қилиши мумкинлиги ҳақида сўрадилар. Чунки ўшанда таълимни энди бошлагандим. Устоз Мардиний таклифни жуда қўллашларини изҳор этдилар ва менга ўзлари тўғридан-тўғри қараб туришларини, ҳамда менинг илмий савиямга тўғри келадиган хос дарсларни ўзлари ва илмли дўстлари бериб боришларини ваъда қилдилар.

Бу таклифга Аллоҳ отамнинг қалбларини очди. Отам мени расмий мадрасада таълимни давом эттиришга қизиқади, деб ўйлагандилар. Чунки тенгдошларим шундай мадрасаларга ўқишга киришганди. Кунларнинг бирида олдимдан ўтиб кетаётиб, энг кичик шогирд сифатида “Ислом тавжиҳи” маъҳади шайхларига топшира туриб, менга юзландилар ва менга боғлиқ орзулари ҳақида сўзлаб шундай насиҳат қилдилар: “Ўғлим, агар мен Аллоҳга олиб борувчи йўл кўчадаги ахлатларни тозалашда яширин эканини билганимда, сизни кўча тозаловчи-фаррошликка берган бўлардим. Лекин мулоҳаза қилиб билсам, Аллоҳга етказувчи йўл У ва Унинг динига тегишли илм экан. Шу сабабдан сизни мана шу йўлда юришингизни хоҳладим.

*(Мулло Рамазон роҳимахуллоҳнинг ушбу сўзлари мен учун китобдаги энг таъсирли сўзлар бўлди. Бу иборалар у зотнинг қанчалик донишманд, ўтқир фаҳмли, фарзанд тарбиясига ҳарис ва солиҳ зот эканликларига далилдир. Бизларнинг фарзанд тарбиясидаги адашадиган нуқтамиз ҳам айнан шудир. Чунки ҳаммамиз уларни ўзимиз орзу қилган йўлда, соҳада бўлишларини хоҳлаймиз, лекин хоҳишимиз, танлаганимиз Аллоҳга етиштирувчи йўлми, бошқами, аҳамият бермаймиз. Ниятимиз дунё бўлгани, ҳатто дин деб ўйлаганларимизники ҳам дунё бўлгани учун тарбия беришда нотўғри йўлга тушиб қолганмиз. Ул зотнинг мазкур насиҳатлариларини яхшилаб ўйлаб кўрайлик. – тарж.)*

Сўнг кўп таъкид билан менга бу илмларни ўрганишдаги мақсадим ҳеч қандай диплом ва лавозим бўлмаслиги ҳақида қаттиқ талаб қўйдилар. Аллоҳ мен томон ҳайдаган ҳар қандай ризққа ва Аллоҳ мени унда турғизган ҳар қандай эзгу ишга қаноатда бўлмоғимга мендан ахдга ўхшаган нарса олдилар. Отам роҳимахуллоҳнинг менга айтган ва буюрган ҳамма нарсаларига ўта таъсирланган ҳолда рози бўлдим.

Бир неча кундан кейин отам мени қўлимдан ушлаб, ўша кунгача кўрмаган ва эшитмаганим Майдон маҳалласи томон етакладилар. Ва Манжак жомеъига яқин бўлган шайх Ҳасан Ҳанбака роҳимахуллоҳ ҳовлиларига олиб келдилар.

Шайх отамни қизгин кутиб олдилар. Ташрифларини муҳиб ва мухлис сифатида қутладилар. Ўшанда зуҳо вақти бўлиб, талабалар атрофларида, дарслар силсиласи давом этмоқда эди. Отам улар ниҳоясига етгунча дарсларга қулоқ солдилар. Шундан кейин шайхга ташрифлари сабабини узоқ сўзладилар. Мен бу сўзлар тафсилотини эслолмайман. Сўнг мени шайх ва маъҳадлари хузурида омонат қолдириб, ўз ишларига кетдилар.

Шу кундан бошлаб уйдан узилдим ва “Исломиё тавжих” маъҳадининг ички толиби бўлдим. Уйга, отамни кўришга ҳар ҳафтанинг сешанба кунлари бориб турдим. Кун билан уйда бўлиб, кеч кирганда изн сўраб Манжакка қайтдим.

Катта талабалар билан шайхдан оладиган дарсларида биргаликда иштирок этдим. Лекин бу дарсларда айтарли ҳеч нарса тушунмасдим. Аммо кейинчалик бу иштироким фойдали бўлганини англадим. Ана шу талабаларнинг кўпларидан мукамал дастур билан, муносиб дарслар олдимки, бу талабалар менга шайх ва устозга айланишди. Уларнинг бошида менинг биринчи устозим Маҳмуд Мардиний турардилар.

Сешанба кунлари отамдан ҳам қўшимча дарслар; наҳв ва балоғатдан таълим олардим. Қўлларида имом Суютийнинг “Уқудул жимон”ини ёд олдим. Шунингдек, мантиқдан бир неча китоблар, усулдан “Жамбул-жавомий”ни дарс олдим. Гарчи уйдан тўла узилганим у кишини ёлғизлатиб қўйган бўлсада, отам менинг бу маъҳадга тааллуқли эканимдан бахтиёр эдилар. Мен зиммамга олишим керак бўлган уй ишлари ва қийинчиликларининг кўпини ўз елкаларига юклагандилар. У кишининг саодатларини янада зиёда қилаётган ва бу машаққатларни сабр билан кўтаришларида ёрдам бераётган нарса, ўзлари билан маъҳад шайхи, шайх Ҳасан Ҳабнака роҳимахуллоҳ ўрталаридаги боғлиқлик ҳарорати кучаяётгани ва чуқурлашаётгани эди.

-21-

### Оғайнилар насихатидаги фитна

Гўдаклик йилларимдан маҳалладош оғайниларим бўларди. Улардан баъзилари расмий ҳукумат мадрасаларига ўтиб кетишган бўлса, қолганлари хунарманд ё косиблик бошини тутгандилар. Улардан айримлари мени кўрган пайтларида ва мазкур масжидда илм талабига узилганимни билганларида, бу йўлим одамларга фақат боқиманда бўладиган фақирликка етаклаши ҳақида огоҳлантирар, насихат этардилар.

Улардан бири шундай деганди: “Олдинда сени битта келажак кутиб турибди. У ҳам бўлса ўлганларга ғассоллик ёки жанозаларга муаззинлик.” Бошқаси эса бу гапини кўп такрорларди:

“Динингни билишга ва вазифаларингни адо этишга етадиган билимни ўрганиш сенга етарли эмасми? Нега умрингни кераксиз ошиқча нарсалар билан зоеъ қиласан?”

Бу насихат ва огоҳлантиришлар қулоғимга чалинар, сўнг менда ҳеч қандай таъсири қолмасди. Уларга бундан ортиқ сўз айтмасдим: “Мен отам томон ахд берганман. Мен унга хилоф қилмайман, заррача четга оғмайман!”

Кунлардан бирида мени бундай хатарли бузуқилиқдан қандай тўсиқ ҳимоялади экан, деб ўзимга ўзим савол бердим. Ваҳоланки ўшанда ҳали ўн олтига ҳам кирмагандим. Шунда

Аллоҳ аза ва жалла унинг доҳилида мени ҳимоя этган бир тўсиқни аниқладим; бу – отам насиҳат қилган, балки, менга буюрган амрларини бажо келтирганимдан экан. Яъни, кўлимдан келганича ҳар куни тонг отиб, кеч кирганда Ёсин сурасини тиловат қилар, унинг савобини саййидимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга ва салафи солиҳлардан баъзи раббоний уламоларга бағишлардим.

Ҳа, шундай қилганман ва бу васиятни кучим етганича диққат билан ҳалигача бажараман.

-22-

### **Қандай уйланганим ва отамга божа бўлганим ҳақида**

Ёшим ўн саккизга етганда отам роҳимахуллоҳ мени уйлантишни мақсад қилдилар. Эркак киши балоғатга етган вақтда ота ўғлини уйлантиши вожиб деган қавлга отам мойил эдилар. Никоҳга ҳожат бор ва отаси уйлантишга қодир деб билдилар. Бу ишларига Байҳақийнинг Абу Саъид Худрий ва Ибн Аббос розияллоҳу анҳумолардан ривоят этган қуйидаги ҳадисини далил қилдилар: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: “Кимнинг фарзанди туғилса, унга исм ва адабнинг чиройлисини берсин. Балоғатга етганда эса уйлантирсин. Агар балоғатга етганда уйлантирмаса, у гуноҳ қилса, гуноҳи отасига бўлади.” У киши бу ҳадиснинг заифлиги ҳақидаги сўзга ҳам парво қилмадилар.

Менга уйланишни таклиф этганларида, мен кутмаган ва ўйламаган ёки чоғланмаган фавкуллода таклиф бўлди. Мен узримни баён қилдим ва уйланишга рағбатим йўқлигини таъкидладим. Лекин отам сўзларида туриб олдилар. Менга имом Ғаззолийнинг “Эҳё”ларидаги уйланиш, унинг зарурлиги ва фойдалари ҳақидаги гаплардан иборат саҳифаларни ўқий бошладилар. Менинг рад этишда турволишим, у кишининг уйлантиришга қасдлари муқобилида, отага оқ бўлиш маъноларидан бирини пайдо қилиши мумкинлигини кўрдим ва отам қасд қилган ишларига рози бўлдим.

Менга отам ўз хотинларининг ўзимдан бир неча ёш катта бўлган синглисига совчи юбордилар. Мен буни рағбатларига бўйсунганим ва амрларига лаббай деганим учун қабул этдим. Мен отамнинг қўллари калталигини, уйлантиришни машруъ этадиган молнинг энг ками ҳам ўзларида йўқлигини билардим. Рағбатларини амалга оширишда ёрдам бўлиши учун кутубхоналарининг ўзларига кадрли бўлган китобларини сотганларини ҳам эслайман.

Ва ниҳоят уйландим.

Бу никоҳ менга улкан хайриятлар боиси ва мустаҳкам кўрғон бўлди.

Кўнглимнинг юмшашида муҳим бўлган ва отамнинг амрларига ижобат қилишга миямни совутган нарса, масжидда бомдод намозини ўқиб келиб ухлаётганимда, тонг маҳал отам хонам эшигини тақиллатишлари бўлди. Бу уйланганимдан бир ҳафта ўтиб содир бўлганди. Ўшанда овозларини баланд қилиб менга хитоб қилдилар: “Сен ҳалиям ухлаб ётибсан. Ваҳоланки, сенга келган башоратлар тунни тўлалигича сажда қилган ва шукр этган ҳолда ўтказишингни вожиб этмоқда.!!” Шовқинларидан уйғониб кетдим. Назарда тутаётган башоратлари ҳақида сўрагани ташқарига чиқдим. Отам айтдилар: “Бу кеч тушимда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни бир тўп кишилар билан келганларини кўрдим. У кишилар саҳобалари эканини билдим. Расулulloҳ менга: “Биз Саъидни уйлангани билан кутлагани келдик”, дедилар.

Бу башорат менга ушбу никоҳдан саодатманд бўлганимни ҳис қилдирган биринчи ҳодиса бўлди. Шундан кейин бу никоҳ билан Аллоҳ икром қилган улкан яхшиликлар ва бугунгача давом этган фаровонлик тўхтовсиз кела бошлади.

-23-

## Ислом тавжихи маъҳадига қайтиш

Бу жомеъда то унинг номи 1953-йилда “Ислом тавжихи” маъҳади деб номлангунча қолдим. Ҳақиқатда мен бу йиллар мобайнида жуда кўп нарсалар истифода этдим. Бу вақтларни мен илмий ҳаётимни таъсис этиш йиллари санайман. Ундаги катта талабаларнинг кўплари устозим бўлишган.

Аммо икки устозим ва муршидим бўлган отам ва шайх Ҳасан Ҳабнака роҳимаҳумоллоҳлардан кўп ва кўп нарсалар олдим.

Лекин махфий илоҳий режа охири мени бузиб бўлмас ёпиқ девор олдига келтириб қўйди. Шаръий мунтазам маъҳадга айланган бу макондаги таълим олиш муддатим ўз ниҳоясига етганди. Қолаверса бунинг ортидан мажбурий ҳарбий хизматга чақирилаётгандим. Олдимда ҳарбий хизматни кечиктириш учун таҳсилимни мақбул бўлган жомийий даражада давом эттиришдан бошқа йўл қолмаганди. Димашқ жомийасидаги Шариат куллияси (факультети) ҳали очилмаганди. Мажбурий хизматни кечиктириш йўлим Азҳар куллияларидан бирига киришим билан чегараланганди.

Отам истихора қилар ва маслаҳатлашардилар. Иш хоҳламаганлари томонга айланиб кетаётганди. Чунки мени дипломга эришиш ва лавозимларга интилишдан доимий огоҳлантириб келгандилар.

Қолаверса менга Мисрнинг аҳволи ва ундаги бузукликлардан кўрқардилар. Лекин нима қилса бўлади? Бу масала олдида ҳеч қандай танлов йўқ эди. Охири отам бу ҳолни ўз тартиб ва қизиқишларидан устун бўлган Раббоний тартиб эканини сезиб қолдилар. Шубҳа йўқки, ҳеч кимнинг қўли ёки ихтиёри бўлмаган Раббоний бу тартибда фақат яхшилик бор эди. Муқобили йўқ бу йўлга охири мени кузатдилар.

Менга узундан узоқ насиҳат қилдилар. Азҳарга боришим шаҳодат ортидан ёки амалга эга чиқиш мақсадида бўлмаслигини қайта эслатдилар. Олдиларида аҳдимни янгиладим ва мақсад-ниятим тўғри эканини таъкидладим.

Мисрга бориб ўша йилнинг ўзида Азҳар жомеъасининг шариат куллиясига ўқишга кирдим. Кунлар ўтиб, 1956-йилда Азҳардан Шариат куллиясининг ижозасини (дипломини) олдим. Димашққа отамга берган аҳдимга вафо қилганча қайтдим. Шу йил охирида Тарбия вазирлиги эъдодий ва санавий (араб мамлакатларидаги таълим тизимининг ўрта даражадаги ўқув босқичлари) мадрасаларда диний тарбия таълими вазифалари учун мусобақа эълон қилиб қолди. Ҳамма таниш ва дўстларим мени бу мусобақада иштирок этишга чақиришди ва фурсат ғаниматлигини эслатишди. Лекин ажиб бир қатъият билан буни рад этдим. Бу билан отам мени қуваётган бу зуғутлардан бохабар бўлишларини хоҳлагандим. Дўстларга эса ҳеч қандай лавозимга ўтирмаслигимга отамга аҳд берганман, деб узримни изҳор этдим. Дарҳақиқат отам олдиларида аҳд қилгандим, қарор бергандим. Бу аҳдимга ҳозиргача ҳеч хилоф қилганим йўқ.

Ҳозиргача тушунмаганим, изоҳлай олмаганим, отам роҳимаҳуллоҳ кейинги йили фикрларини ўзгартириб менга изн берганлари, балки шу йили эълон қилинган мусобақада қатнашишни талаб этишлари бўлди. (Бунинг ҳикмати, отам роҳимаҳуллоҳ мени лавозимларга боғлиқ рағбатдан юқори туришимни ва шариат, ҳамда дин илмлари билан дунёвий манфаат изламаслигимни хоҳлагандилар. У киши бу ҳолни Аллоҳ азза ва жалла ҳаққида улуғ жиноят деб кўрардилар. Вақтики менда ўзлари хоҳлаганларини амалда кўриб хотиржам бўлгач, ўзи таклиф этилган диний лавозимларга рози бўлишимда монелик кўрмадилар. Мен ҳам диний маърифат ва билимларимни лавозим илинжида ҳеч ишлатмадим.) Мен иштирок этдим ва муваффақиятга эришдим. Шу йилдан бошлаб таълим тизимида фаолият юргиза бошладим.

Шуни эълон қилиб қўйишим керакки, Аллоҳ мени зоеъ қилиб қўйгани йўқ. Баъзи дўстларим кўрқитганидек одамларга боқиманда этиб қўйгани йўқ. Балки мен умид қилмаган

саноксиз неъматларига кўмиб кўйди. Буларнинг бирортаси менинг ёки отамнинг тадбирларисиз амалга ошди.

Уларнинг бирортаси кутилмаган ва ҳисоб-китоб қилинмаган эди. Балки улар Аллоҳ азза ва жалланинг куйидаги оятининг дақиқ тасдиғи эди: “Ким Аллоҳдан кўркса У зот унинг учун (барча ғам-кулфатлардан) чиқар йўлни (пайдо) қилур. Ва уни ўзи ўйламаган томондан ризклантирур.” (Талоқ сураси, 2-3-оятлар).

Ўзларининг кўрkitувчи огоҳлантиришлари билан мени таъқиб этган у дўстларим бўлса, ўзлари мени огоҳлантирганларидан ҳам ёмонроқ вазиятларга тушиб қолишди...

-24-

### Аҳл ва фарзандларни Аллоҳнинг зикрига ўргатишлари

Отамнинг аҳл ва фарзандларини тарбиялашдаги хос жиҳатлари, ҳар муносабатда уларга Аллоҳни эслатишлари эди. Отам уларнинг бирор ҳолатга тушишлари ёки ўзгаришларини Аллоҳнинг қудрати ёки раҳмати ёхуд қарами ва инъомини эслатишга муносабат деб билардилар.

Агар таом келиб, отам билан дастурхонда жамулжам бўлсак, ҳаммамизни одоб билан ўтиришга буюрардилар. Гўёки биз дастурхон атрофида Аллоҳнинг олдида тургандек бўлардик.

Бизга олдимиздаги алвон таомларни иштиёқ билан санаб беришдан қанчалик хузурланишларини сезардик: “Қаранг, бу бир хил, мана буниси иккинчи хил, буниси эса учинчиси, бу тўртинчиси... Аллоҳ бизга қанча нарсани яратиб кўйибди, деб сўрамайсизларми? Биз ўзи киммиз? Аллоҳ буларнинг ҳаммаси билан икром этар даражада бизнинг қандай қадримиз бор?”, дердилар. Сўнг Аллоҳ азза ва жалланинг Такосур сураси, 8-оятдаги: “Сўнгра ана ўша Кунда албатта (хаёти-дунёда сизларга ато этилган барча) неъматлар тўғрисида масъул бўлурсизлар”, сўзини такрорлардилар.

Бу эслатмалардан каттаю кичик таъсирланардик. Овқатлана туриб биз ибодатларнинг энг улуғидамиз, деб неча марта ҳис қилганман, балки ҳаммамиз баробар неча марта шундай шуурда бўлганмиз.

Ўн йиллардан бери отам роҳимахуллоҳ бизни душанба ва пайшанба кунлари, бомдоддан кейин, ҳар тонг Аллоҳнинг зикридан бўлган бир вирдга тўплайдилар. Бомдод намозидан кейин каттаю кичик ҳамма олдиларида ўтиради. У киши ва қолганлар “Ла илаҳа иллаллоҳ”ни юз марта зикр қилишдан бошлардик. Сўнг биргаликда юз марта жалолат лафзи “Аллоҳ”ни такрорланади.

Сўнг ундан кейин биргаликда имом Нававийнинг ҳизбларини ўқилади. Бу ҳизб маъсур (Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан нақл қилинган) дуолар, Аллоҳга сано ва илтижолар мажмуасидир. Ўтирганларга рамзий маънода бўлса ҳам майда пул ёки ҳолва тарқатардилар. Бизнинг ҳаммамизга мана шу вақт ва мана шу шаклда, бу жамоавий вирдни ҳеч қачон қўймаслигимизни васият этардилар.

Мен Аллоҳ азза ва жаллага ҳамд айтаманки, фарзанду невараларгача бунга муваффақ бўлдик. Шу кунгача отамнинг васиятларига ана шу кўриниш ва ана шу вақтда амал қилиб келмоқдамиз.

Машаққати кам, лекин таъсири улкан бу вазифаларга риоя қилишга отамни таниб, яхши кўрган, у киши ҳақида эшитган ва бу китоб орқали сийратларини билган кишиларни чақирганимда қанчалик хушқайфият бўламан, сурурга тўламан. Шундай инсонлар ўзларида, аҳлларида ва фарзандларида иншааллоҳ, бунинг баракасини топишади. Бунинг таъсири сифатида улар уйларида саодат ва шодликни кўрадилар.

Фурсатдан фойдаланиб, омонатни адо этиш маъносида ўқувчига бир хабарни воқеъликка қўшмасдан ва камайтирмасдан ҳикоя қилиб бермоқчиман: “Отам роҳимахуллоҳ

вафотларидан тақрибан бир ярим йил олдин, касалликдан турган кунлари, Алудондаги дўстларининг ҳовлисида эдилар. Душанба ё пайшанба кунларидан бирининг бомдод намозидан кейин, у киши билан бирга ўтирдик ва озгина олдин тавсифлаганим ўша вирдларни ўқидик. Биз ўтирган хона, пастдаги ҳовлининг кенг айвонига қараган эди. Маълум бўлишича, ўша вақтда айвон саҳнига қизлар тўпланган бўлишган. Биз вирдимизни тугатган пайтимизда офтоб чиққан ва кун ёришиб бўлганди.

Шунда эшигимиз тақиллади ва ўша қўшнининг қизлари бу тонг ўзлари кўрган ва даҳшатга тушган нарсалари ҳақида сўрагани чиқишганди. Улар бомдод намозидан кейин, тонготар ғира-шираликда оқ ёки қора (мен аниқ эслолмайман) ранг кўпгина қушларни кўрганлар. Биз ўша вақтда зикр қилиб турган хонадан улар улар бетўхтов чиқиб туришган.

Уларнинг ҳайратини кўзгаган савол шу эди: Ҳузурингиздан чиқиб келаётган бу қушларни сизлар кўрдингизми?

Айтдик: Биз ҳеч нарса кўрмадик. Лекин биз ўша пайтда ҳаммамиз йиғилиб, Аллоҳ азза ва жаллани зикр қилаётган эдик...”

-25-

### Бу тарбиянинг бизда қолдирган изи

Ҳақиқатда отамиздан ўрганган бу тарбия ҳар биримизнинг шуур, ҳиссиёт ва ахлоқимизни камраб олганди. Ҳовлимиз ҳалигача бу хусусият билан бошқаларидан фарқланиб туради.

Ҳозир ҳаётимда ягона бўлган кунга тегишли хотира ёдимга тушиб кетди. Ўшанда уйқудан турганимда илк бор эркаклик балоғатига етганимни ва ҳаётимнинг болалик даври ҳудудини хатлаб ўтганимни ҳис қилдим. Лекин ўша пайтда мени ғаройиб ҳиссиёт эгаллаб олганди. Рухимда ёлғизлик ва хафаликнинг саркаш тўлқини ғалаёнга келди. Зеро, мен таклиф (Шореънинг бир ишни қилиш ва қилмаслик талаби, бу талаб балоғатга етгандан бошланади) замонига кирганим маълум бўлганди. Мана шу соатдан бошлаб менинг номимга ва амалларим назоратига саҳифа очилган эди.

Шу бугундан бошлаб мен икки фаришта нигоҳига мўлжал бўлгандим. Ўша куни бостириб келган йиғи тўлқинини ҳеч босолмадим ва отамга мурожаат қилишдан бошқа йўл топмадим. Ҳа, не ажабки, у кишининг хонасига кирдим ва бошимдан ўтганини айтиб бердим. Ҳиссиётларимни сўзлаб бераётганимда эса хўнграб йиғлавордим.

Отам мени тинчлантирдилар ва дедилар: “Инсоннинг таклиф замонига кириши, уни ёмонликлардан кўра яхшиликларни бир неча баробар кўп қилишга ундайди. Аллоҳ бандасига йиғиб қўядиган солиҳ амалларга бериладиган ажр ва савоблар, Аллоҳнинг муҳаббати ва розилигига олиб борадиган йўл, буларнинг ҳаммаси инсоннинг таклиф замонига кириши билан бошланади.”

Ўша ажиб кунни эслаб, қандай қилиб отамнинг олдиларида ўтириб, ёшлар ҳалигача аҳлларидан яширадиган бу ишни очиқ-ойдин айтиб бердим, дейман. Ҳаё ҳудудини ёриб ўтишимига сабаб бўлган нарса вужудимни ёндирган ўша олов эди. Уни ўчириш учун отамга мурожаат қилишдан бошқа йўл топмагандим. Лекин бу ҳиссиёт менга қаердан келди? Вужудимда бу оловни нима ёқди? Бунинг сабаби отамдан олганимиз ва бизни эртаю кеч у билан таъқиб этадиганлари ушбу тарбия эди.

Отам роҳимахуллоҳ аҳллари ва фарзандаларига берганлари бу тарбия фақатгина ёдланадиган илмлар ва айтиладиган сўзлардагина намоён бўлса, уни тарбия ҳисобламасдилар. Балки у муҳаббат, хавф, таъзим ва иззатлаш каби ҳиссиётларла намоён бўлсагина ҳақиқий тарбия бўларди. Шу сабаб ўқишимдаги аълочилигим ёки илм таҳсилидаги тинимсиз меҳнатим ҳақида баъзи баъзида эшитганларига лоқайд муносабатда бўлардилар. Ўзлари бир кун менга: “Боқдим, Аллоҳга олиб борадиган йўл У ва дини тўғрисидаги илм экан.”, деган отам нега бепарволик қиляптилар? Бунинг сабаби, у киши илм

қанчалик ахамиятли бўлмасин, уни мақсад эмас, фақат мақсад сари элтадиган восита, деб билардилар.

Гоҳида вужудимдаги илм ортида яширин мақсадни тафтиш қилиб қолардилар. Бу тўғрида мен ҳақиқий мақсадга эришдимми ёки йўқми? Мана шундай тафтишлар мақсадида бир кун мени чақириб қолдилар ва мендан муҳаббат, унга рағбатлантириш ва унинг яширин мазмуни ҳақида қасида ёки байтга ўхшаган нарсани ифодалашимни сўрадилар. Эслолмайман, ўшанда ёшим нечида экан. Муҳими мен яхши ёзолмаслигимни ёки бунақа мавзуга кучим етмаслигини айтиб узрхонлик қилдим. Менинг бу узрхонлигимдан қаттиқ ғазабланганлари ёдимда. Менинг узр сўрашим уларга тарбиявий ҳаракатларининг катта қисми бекор кетгани далили бўлиб туюлганди.

Кунлар ўтди, балки йиллар. Шу аснода қалбим отам менда унинг асарини излаган муҳаббат ҳисларидан сув ичди ва ғалаёнга келди. Бу ҳиссиёт мени Аллоҳ таоло ҳузурида умид, муҳаббат ва ражо бекатига етаклади. Кейин бу ҳисларни қоғозга туширдим ва “Синиқ қалб муножоти”, деб номладим. Отамга: “Мендан шууримда жўш урган муҳаббат ҳақида сўз ифодалашимни талаб этганингиз ва мен узримни баён қилганим ёдимингиздами?”, дедим. Ҳа, дедилар. Шунда: “Мен мана бу кун сиз талаб қилган нарсаси бажо этиш имконидаман. Ўшанда сиз хоҳлаган нарсани қийинчилик ва сохтакорлик билан эмас, ростлик ва ҳаяжонла ифодалаш онларини кутгандим.”, дедим. Отамга ёзганларимни ўқиб бердим. Аллоҳ раҳматига олгур, хурсандчиликдан таҳлил (Ла илаҳа иллаллоҳ) айтиб юбордилар. Шояд бундан отам қалбларини кўзгаган ва муҳаббат чўғидан ҳаяжонлантирган бу аланга, булоқнинг манбаига ва масдарига олиб бориши аниқ, дея башорат олгандилар, инонгандилар.

Зеро, ҳамма муҳаббатнинг масдари ва манбаи Аллоҳ азза ва жаллани севишдир!

-26-

### **Отамнинг ибодат, зуҳд ва тақволари**

Олдин айтганимдек отам ҳаётларининг болалик давридаёқ ва илк илм талабидаги даврларида ҳам кўп ибодат қилишга мойил эдилар. Бу хусусда тенгдошлари ичра ягона эдилар.

Воқеълик шундай эдики, отамнинг ёшлари улғайгани сари ва тажриба ҳамда ходисалар билан пишиб борганлари сари нафсларида бу хусусият ўсиб борарди. Гўё ўтаётган умрлари ўзларига нисбатан Аллоҳнинг инояти, фазли ва қуршаб олган ёмонликлардан Унинг ҳимояси қанчалар кўплиги тўғрисида шуурларини зиёда этарди. Аллоҳнинг зиёда атолари у кишини Унга юзланишларига ва ҳузурида табаттул (бетухтов ибодат) қилишга ундарди.

Аллоҳ раҳматига олгур отамнинг ибодатлари тоатларнинг муайян тури билан чекланмаганди. Балки турли ҳолатлар ва ҳар хил ўзгаришлар, ҳаммаси ибодат маъноси билан йўғрилганди. Бу ҳол эса кишини Аллоҳга илтижо ёки Ундан хавф ёки Унга санодан иборат файзли бир ҳиссиётга етакларди.

Бу гапларни ўқиган айримлар мени муболаға қиляпти, деб ўйлашади. Мен ўқувчи биродарларимга бу китобнинг муқаддимасида қарор берган куйидаги гапларимни эслатиб кўйсам:

“Мен кўпиртириш, ваҳима қилиш, обрўни ошириш ва муболағали тавсифлаш услубларимдан батамом узоқ бўламан. Мен фақат бўлиб ўтган воқеаларни, содир бўлган ходисаларни ва ҳужжатлаштирилган шохидликларнигина келтираман”. Ўқувчи мулоҳаза қилган бўлса керак, мен халигача номларни маҳобатла зикр этмадим, улуғлаш ва мақташ ибораларини ёзмадим. Аллоҳ хоҳласа охиригача мана шу услубда давом этаман.

Отам турли намозлар ўқиб, уларни кўпайтириш билан ибодат қилардилар. Қуръон тиловати ва уни давомли қилиш билан, ҳаж ва умра маносиклари асносида уларга хос бўлган амал ва ҳолатлар билан ибодат этардилар. Кичкина ҳужраларида ўтказган умрлари тўғрисида, Аллоҳ унда кўп инъом ва икромлар қилаган ҳижратлари ҳақида тафаккур ва

тааммул билан хилватда ибодат этардилар. Ўзларига одат қилиб олган кўпгина вирдлари ва зиклари билан ибодат этардилар. Хоҳ ҳаёт бўлишсин, хоҳ марҳум, солихларни зиёрат этиш билан ибодат этардилар. Мажлисларига тўлиб тошадиган одамларга ажойиб дарсларни бериб ибодат этардилар. Мана шу жиҳатлар ва ҳолатларнинг ҳар бирини эслаганим ва аниқлаганим қадар тафсилоти билан сўзлаб берсам...

-27-

### Намозлари ва таҳажжудлари

Отам нафл ибодатларни кўп қилардилар. Хоҳ у таъкидланган бўлсин, ёки бошқача, ажратмасдилар. Шорё мустаҳаб деган намознинг ҳам вақтини ўтказмасдилар, тез ўқиб олардилар. Бунда ушбу одатларини адо этишдан ожиз қиладиган бирор сабаб топилмаса бўлди эди, ракатлар сонидаги буюк ниҳояни дунё ниҳоясидан устун кўрардилар (яъни, дунёни охирига етишдан кўра, инсон қодир бўладиган ракатларнинг охирига етишни маъқул кўрардилар-тарж.) Бир ибодатнинг маҳбублигига саҳиҳ ҳадис бўлса ҳам, заиф ҳадис бўлса ҳам баробар кўрар ва заифини Расуллуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: “Намоз яхши машруъдир”, деган саҳиҳ қавллари билан ўзлари кучайтириб олардилар.

Таҳажжудга бўлган ҳарисликлари фарзларга бўлганидан кам эмасди. Бу намознинг бомдоддан бир неча дақиқа олдинги вақти отамни ҳеч қаноатлантормас, балки бомдоддан икки ёки уч соат олдин уйғонишга ҳаракат қилардилар. Аввал енгил икки ракат ўқиб олардилар. Сўнг ракатни Аллоҳ қанча хоҳлаган бўлса шунча чўзардилар. Саҳар вақти кирганда жойнамозларига ўтириб, нуқсонлари учун ва келажакда борадиган Кунларидан хавф сабабли, ўзларини маҳзунлик ҳиссиётларига топширардилар.

Гоҳида арабчалаб, гоҳида эса курдчалаб тўхтовсиз хўнграб йиғлаган кўйи Аллоҳга муножот қилардилар.

Димашққа келган илк даврларимизда, битта хонада ҳаммамиз жамулжам яшаган кунларимизда, отамнинг йиғи овозларидан ва муножот товушларидан неча марталаб уйғониб кетардим. Саҳар чоғи ва ундан олдинги онларда ўлим ҳақидаги, ўлимдан кейинги ва боражак Кунлари хусусидаги сўзларини неча марта эшитардим. Сўнг ўша кунлардан бери зехнимда ёд бўлиб кетган кўйидаги байтларни йиғлаган ҳолда такрорлардилар:

Эй замирдагини кўрадиган ва эшитадиган Зот  
Ҳар кутилаётган нарсага тайёр Ўзингсан  
Эй саховат хазинаси “Бўл” да мавжуд зот!  
Бергин, ҳар яхшилик манбаси Ўзингсан  
Сенга васила учун менда фақирликдан ўзгаси йўқ  
Шундан Сенга фақирлигимни муҳтожликла кўтардим  
Эшингингни қоқишдан бошқага менда мажол йўқ  
Агар рад этилсам қай бир эшик энди қоқардим?  
Сенинг саховатинг осийни умидсиз этмас  
Фазлинг буюк ва бераринг кенг Зотсан!  
(Шеърий завқ йўқлиги учун таржимонни маъзур тутасизлар)

Қолаверса отамнинг намозлари бизникига ўхшаган тилдагина тиловат қилинадиган, тана ва аъзоларгина одатланган ҳаракатлардан иборат бўлиб, қалбимиз эса дунё ва унинг ишларига бурилган, ўқиётган ва такрорлаётган нарсаларидан тўсилган ҳолатдаги намоз эмасди. Балки у киши намозга кирсалар Аллоҳнинг ҳузурда хорлик ва кичикликдан бир “нарса”га айланардилар. Бу ҳол отамнинг жисм ва кўринишларини Аллоҳ аzza ва жалланинг муножотига юзланган ҳис ва туйғулар ортига етакларди. Ҳужраларида ёлғиз холи бўлсалар ҳам ёки масжид меҳробида ошқора, намоздаликларида бу ҳол неча марта такрорланганди. Баъзида илм мажлисларида бу ҳол юзага келиб, уни тўхтатар ва намозга туриб кетардилар.



Менга “Ислом тавжихи” маъҳадининг илк талабалари ва битирувчиларидан бўлган устоз, шайх Хойр Албий айтиб бергандилар. Бир тонг отамнинг зиёратларида ўтирган эканлар. Отам у кишидан байт ўқиб беришни сўрадилар. Шайх Хойр Албийнинг ғамнок овози ва кучли руҳонияти бор эди. У киши байтларни ўқишни бошлади. (Қайси байтлар эканини билмайман). Отам худди Қуръон тинглаётгандек, у кишига хушуъ ва одоб билан кулоқ тутдилар. Сўнг отамни ҳол эгаллай бошлади ва қаттиқ ҳайқирвордилар. Байт ўқиётган шайх чўчиб тушдилар. Кейин отам байт ва байтчини ташлаб намозга турдилар.

Отам роҳимахуллоҳ кўпгина толиби илмлар ва исломчиларни койирдилар. Чунки улар даъват билан машғулмиз десаларда, намозни фақат аъзолар адо этадиган вазифалар ва ёдлаб қайтариладиган лафзлар деб қабул қилишарди. Яна Аллоҳ билан алоқалари бўлган намозда, ўзидан ғурурланган кучли шахсдек гердайиб бошни осмонга кўтариб, оёғининг бирини чўзиб бошқасини тик тутган ҳолда туришарди. Мени эса ана шу одамларнинг одатларига ўрганиб қолишдан ва мактанчоқликлари ўтиб қолишдан доимо огоҳлантирардилар.

Ваҳоланки инсон бу вақтда (Аллоҳ билан мулоқотда) кўп хорлик ва зиллат мақомида бўлиши лозим эди.

-28-

### Тиловатлари ва Қуръонни ёд олишлари

Отам барвақт, яъни ёшликларидан Қуръон ёдлашга киришганлар. Лекин уни Димашқда жойлашиб олганларидан кейин бир неча йил ўтибгина мукаммал ёд олганлар.

Мухими, отам кўп Қуръон тиловат қилардилар. Ёдлашни тугатмасларидан олдин уни охирига етказиш йўлида кироат қилардилар, ёдлаб бўлгач эса, хотираларидагини сақлаб қолиш мақсадида ва яна Аллоҳнинг каломига ўрганганлари, унинг маънолари ва маромини тафаккур қилганлари учун ўқирдилар.

Қуръонни ҳар ҳафтада бир бор хатм қилар эдилар. Ҳар куни беш пора ўқишни ўзларига вазифа қилиб олгандилар. Хатмни шанба куни бошлаб, пайшанба кеч, яъни жума тунда охирига етказардилар. Жума кунини бошқа вазифаларни бажариш учун ўзларига истироҳат куни қилиб олгандилар.

Мана шу тартибда бу вазифаларини вафотларига бир неча ой қолгунча давом эттирдилар. Бундан фақат ҳаётларининг охириги йилларида азият чеккан хасталик кунларигина истисно бўлди. Хасталиклари иккита бўлиб, биридан тузалиб туриб кетдилар ва бир неча йил ишлари ва дарсларига қайтдилар. Иккинчиси эса бир кучайиб, бир сусайиб то ажаллари етгунча давом этди.

Отам Қуръонни ҳадр (тажвид қоидаларига риоя этган ҳолда тезроқ ўқиш. – тарж.) даражасида ўқирдилар. Кўпинча мендан ёки фарзандларининг биридан қараб туришни ва Қуръонни ёд олишларини назорат қилиб боришни сўрадилар. Вақти-вақти билан бирор оят ёки оятдан бир жумлада тўхтардиларда, унинг далолати ва маъно-мазмунини мутаассир ва хушуъли ҳолда тафаккур этардилар. Ёки унинг далолатида яширин чуқур маъноларни тафсир қитобларининг қатларидан излардилар.

Агар оят қалбларида чуқур из қолдирса, бир неча кун ё ҳафталаб унинг тадаббурида қолардилар; у билан яшар, у ҳақда ва ундан олган таъсирлари тўғрисида дарслари, муносабатлар ва ваъзларида одамларга гапириб берардилар. Ана шулардан бири Аллоҳ азза ва жалланинг қуйидаги оятидир: “Осмонлар ва Ер фақат Аллоҳникидир ва барча ишлар Унинг Ўзига қайтарилур. Бас, Унга ибодат қилинг ва Ўзига суянинг! Парвардигорингиз қилаётган амалларингиздан ғофил — беҳабар эмасдир.” (Худ сураси, 123-оят). Бу оят руҳиятларида ўзининг жуда кўп ишини қилганди. Хусусан Аллоҳ азза ва жалланинг: “Барча ишлар Унинг Ўзига қайтарилур”, дегани. Унинг ичидаги далолатлар ҳақидаги сўзларини қанчалаб муносабатларда қайтарган эдилар.

Келажак оят ҳам шу жумладан эди: “Огоҳ бўлингизким, яратиш ва буюриш фақат Уникидир. Барча оламлар Парвардигори — Аллоҳ буюқдир.” (Аъроф сураси, 54-оят). Бу Аъроф сурасидаги оятнинг бир бўлаги. Ундаги “Огоҳ бўлингизким, яратиш ва буюриш фақат Уникидир.”, деган жумла ақл ва ҳаёлларини эгаллаб олганди. Турли вазиятларида ва кўп ҳолларида отамнинг тафаккурлари бу оят таъсиридан чиқиб кетолмасди. Мажлисларда уни такрорлашдан, чуқур маъноси ва буюқ далолатларига огоҳ этишдан ҳаддан зиёд завқланардилар.

Мана бу икки оят ҳам у кишида сурункали ғам, аламли рухий изтироб ва оқибат ёмонлигидан кўркиш ҳисларини кўзгаб юборганди. Аллоҳ азза ва жалла айтади: “У Кунда мунофиқ ва мунофиқалар иймон келтирган зотларга: «Бизга қараб турунглари, биз ҳам сизларнинг нурунгиздан озгина олиб фойдаланайлик», десалар, (уларга) «Ортинглари қайтиб нур истайверинглари», дейилур. Сўнг улар (билан мўминлар)нинг ўртасига дарвозали бир девор урилурки, унинг ичида раҳмат—жаннат, ташқарисида – олдида эса азоб — дўзах бўлур. Улар (мўминларга) «Биз (ҳаёти дунёда) сизлар билан бирга эмасмидик», деб нидо қилганларида, (мўминлар) дерлар: «Ҳа, (кўринишда биз билан бирга эдинглар), лекин сизлар (мунофиқлик билан) ўзларингизни фитнага дучор қилдинглар ва (бизларга бало-офатлар етишига) кўз тутдинглар ҳамда (Исломнинг ҳақ дин эканлиги тўғрисида) шубҳаландинглари ва то Аллоҳнинг амри (яъни ўлим) келгунича сизларни (ҳали умр узоқ эканлиги, Аллоҳ ҳар қандай гуноҳни кечиб юборавериши каби) хомҳаёллар алдади. Сизларни Аллоҳ ҳақида (У зотнинг карами кенг, ҳеч қачон Ўзи яратган бандаларни азобга гирифтор қилмайди, деб) алдагувчи (шайтон) алдаб қўйди». (Ҳадид сураси, 13-14-оятлар).

Мунофиқларнинг қиёматдаги ҳолининг Аллоҳнинг каломида намоён бўлган бу тасвири отамни даҳшатга солганди. Зеро, улар бу дунёда бўлгани каби содиқ мўминлар сафларига фитна солишга уринишар ва мўминларнинг ютуқ ва мукофотларига етишиш учун уларнинг сифатларида кўринишга ҳаракат қилардилар. Лекин улар мўминлардан ажратилар, сафларидан чиқарилар ва: “Қайтинглар, дунёгизда қолдирганларингиз орасидан ўзингизга яхшилик қидиринглари”, дейиларди. Одамлар ўртасидаги ҳукм уларда кўринган ҳолатга қараб бўладиган дунё замонида мунофиқларнинг нифоқига ва фирибгарларнинг ёлғонига имкон берилган бўлса, бугун маҳкама Аллоҳнинг маҳкамаси ва ҳукм фақат Унинг Ўзига тегишли бўлади. Бугунги ҳукм тиллар ва аъзолар кўрсатган нарсага эмас, қалблар яширганига қараб чиқарилади! Отам бу икки оятни жуда кўп ҳолат ва муносабатларда такрорлардилар.

Уларнинг далолатларини баён қилишда, уларнинг ичида яширин хатарлар ҳақида тўлқинланиб гапирардилар. Неча марта тасаввур қилиб бўлмас тазарруъ ва мутеълик билан, Аллоҳ уларга қиёмат куни: “Ортингизга қайтиб, нур қидиринглари!”, дейдиган кишилардан қилиб қўймаслигини сўраб дуо қилардилар. Иншааллоҳ, бу хил дуоларидан айримларини келажакда зикр қилиб ўтамиз. Юқорида зикр этганимиз оятлар эса улкан-улкан файзлардан кичиккина томчилар бўлиб, отамнинг ҳоллари оят ишоралари олдида узоқ вақт таъсирланиб қолиб кетиш ёки маъноларини тадқиқ этиш, унинг замир-ости ва далолатлари тубига етиш бўларди.

-29-

Зикрлари ва вирдлари

Отамнинг намоз билан машғул бўладиган, овқат тановул қиладиган ва уйкуга чўмадиган вақтларини истисно қилсак, қолган вақтлари ва умр лаҳзалари зикр ва вирдларга тўла бўларди. Шу билан бирга унутмаслик керакки, илм билан шуғулланиш ва Қуръон тиловати зикр турларининг энг улуғларидандир. Отам ҳатто юрган йўлларида ҳам зикр қилиб юрардилар. Бошқа дунёвий муомалотларига ҳам, қўлдан келганича Аллоҳ азза ва жалланинг зикрини аралаштирардилар. Агар қандайдир муддат у кишини ғафлат пардаси

ўраб олса, тезликда уйғонишла Аллоҳга қайтардилар ва зикр, ҳам вирдларига қайтадан машғул бўлардилар.

Отам роҳимахуллоҳ кунлардан бирида бошларидан ўтказган бир неча дақиқани кўп эслардилар. Ўша дақиқаларни ғафлат онлари ҳисобгандилар. Лекин Аллоҳ ҳолларини ислоҳ қилиб, бундан кутқарадиган кишини у кишига юборганди. Отам айтадилар: “Мен Байрутнинг атрофидага бир жойда эдим. (Отам ўшанда Жазира аҳолисидан бир касалнинг хизматини қилиш учун Лубнон (Ливан)га боргандилар). Лимон дарахтлари билан тўла бир боғда ўйга чўмгандим.

Боғ гуллар билан балқиган, унинг муаттар бўйи атроф минтақани тўла тутганди. Қўлимни орқага қилиб хотиржам ўйга толдим. Шундай ҳолда эканман, тўсатдан ортимдан бир киши тирсагимдан ушлади. Ортимга ўгирилиб қарасам мен танимайдиган ва кўрганимни эслолмайдиган бир одам турарди. У менга салом берди ва: “Менга лимон бўёвчининг уйини кўрсатиб қўяоласанми?”, деди. Мен унга: “Бу жойда батамом ғарибман. Ҳеч кимни танимайман”, дедим. У менга боқиб: “Мен ҳам сендек ғарибман”, деди. Отам айтадилар: “Мен шунда гўё уйқудан уйғонгандек бўлдим. Бу одам нимани назарда тутганини билдим ва унга: “Мўминнинг қалби”, дея жавоб қилдим” Давомида улар ўрталарида қандай суҳбат кечганини билмайман. Лекин отам роҳимахуллоҳ эҳтимол солиҳлардан бўлган бу кишининг саволида ўзларини ғафлатдан уйғонишлари лозимлигини кўргандилар. Зеро ўшанда лимонни, унинг гули ва муаттар ҳидини Яратган зот тўғрисида фикрлаш қолиб, Унинг махлуқи ва санъати ҳақида ўйга толган бўлганлар... Малайзиялик танишларидан бири ўқиб эргашиш учун отамнинг тун ва кундуз ўқийдиган зикр ва вирдлари ҳақида сўраб мактуб юборади. Отам ҳам унга кеча ва кундуз ўзлари ҳарис бўлган зикр ва вирдларининг баёнини ёзиб жўнатдилар. Улар ичида намозлардан кейин ўқиладиган маълум зикрлардан тортиб, уйқудан уйғонгандан кейин, таҳоратдан кейин ўқиладиганигача бор эди. Бу зикрлар имом Нававий роҳимахуллоҳнинг “Азкор” китобларига ўхшаган китобларда маълум ва мазкурдир.

Лекин бу ўринда отам ҳар тонг ва оқшом қатъият билан бажарадиган бошқа мажбуриятларини келтириб ўтаман. Булар малайзиялик кишига ёзилган жавоб мактубида зикр қилинган:

Ҳар тонг ва оқшом Ёсин сурасининг қироати. Ҳар оқшом Сажда, Воқеъа ва Мулк сураларининг қироати. سبحان الله و بحمده سبحان الله العظيم استغفرالله “Субҳаналлоҳи ва биҳамдих. Субҳаналлоҳил ъазийм. Астағфируллоҳ”ни бомдод намозидан олдин юз марта. لا اله الا الله “Ла илиҳа иллаллоҳ”ни ўн марта.

Шунча марта سبحان الله “Субҳаналлоҳ”, الحمد لله “Алҳамдулиллаҳ” ва استغفر الله “Астағфируллоҳ”ни бомдод азони ва намози ўртасида.

Ҳар тонг ва оқшом استغفرالله الحى القيوم و اسئله التوبه “Астағфируллоҳул ҳаййул қоййум ва асъялуҳут тавба”ни юз марта.

Ҳар тонг ва оқшом Ихлос сурасини юз марта. Ҳар тонг ва оқшом لا اله الا الله “Ла илаҳа иллаллоҳ”ни юз марта.

Ҳар тонг ва оқшом اللهم صل على النبي الامى محمد و على آله و صحبه “Аллоҳумма солли ʼалан набиййил уммиййи Муҳаммадив ва ʼала олиҳи ва соҳбиҳи”ни юз марта.

Ҳар куни سبحان الله و الحمد لله و الله اكبر سبحان الله و الحمد لله و لا اله الا الله “Субҳаналлоҳи валҳамдулиллаҳи ва ла илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар”ни юз марта.

Ҳар тонг ва оқшом لا شريك له له الملك و له الحمد و هو على كل شيء قدير لا اله الا الله وحده “Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарика лаҳу ла шарика лаҳу. Лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду. Ва ҳува ʼала кулли шайъин кодийр”ни юз марта. Булар ҳар тонг ўзлари ўқийдиган вирдларга қўшимча бўлиб, уларнинг баёни ва нақлини қилсак чўзилиб кетади. Улар имом Нававийнинг вирдлари ва мана бу

калималардек қўшимчалардир: بالنهار سبحان من الله العلى الديان سبحان الله شديد الاركان سبحان من يذهب بالليل و ياءتى سبحان: اعلم انك انت علام الغيوب  
اشرك بك و انا اعلم و استغفرك مما لا اللهم انى اعوذ بك ان لا يشغله شأن عن شأن سبحان الله المسبه فى كل مكان  
аркон.

Субҳана май язҳабу биллайли ва яътий бин наҳар. Субҳана ман ла яшғулуҳу шаънун  
ъан шаън. Субҳаналлоҳил мусаббаҳи фи кулли макан” ان الله ما شاء الله ما كان من نعمة فمن الله ما شاء الله لا يسوق الخير الا الله بسم الله ما شاء الله لا  
اعلم انك انت علام الغيوب “Аллоҳумма инни аъзузу бика ан ушрика бика ва ана аълам. Ва астағфирука  
ميمما لا اълам. Иннака анта ғалламул ғуйуб”. Буларни уч мартадан ўқирдилар.

Сўнг بصرف السؤ الا الله بسم الله ما شاء الله ما كان من نعمة فمن الله ما شاء الله لا يسوق الخير الا الله بسم الله ما شاء الله لا  
“Бимиллаҳи ма шааллоҳ. Ла ясукул хойро иллаллоҳ. Бисмиллаҳи ма шааллоҳ. Ла ясрифус  
суа иллаллоҳ. Бисмиллаҳи ма шааллоҳ. Ма кана мин неъматин фаминаллоҳ”. Шунингдек “Ё  
Рабб, Музардан бўлган мухторга салавот бўлсин”, дея бошланадиган Бусирийнинг  
“Музарийя” касидаларини ҳар тонг ўқишни қўймасдилар.

Тонг вирдларини бомдод бўлиши билан бошлардилар. Оқшом вирдларини эса аср  
намозидан кейин бошлардилар. Агар асрдан кейин дарс ёки шунга ўхшаш ишлар билан  
машғул бўлиб қолсалар, бажаролмаган вирдларини кечроқ қазо қилардилар.

Умуман олганда доимий турадиган кичик ҳужраларида ё Қуръон қироатига машғул ё  
илмий масалани ечишга берилиб кетган ё вирд учун тасбеҳ кўтарган ҳолда кўринардилар  
холос.

Диний фойда талабида ёки дунёвий хожатларини сўраб келган зиёратчиларни,  
ёрдамларини аямаган ҳолда қўлдан келганича чиройли кутиб олардилар. Вазифаларини  
бажардим ва сўралган нарсани адо этдим деб билсалар, яна зикр ва вирдларини давом  
эттириш учун тасбеҳларини\* қўлга олардилар.

Кейинги фасл "Дуо ва муножотлари"

\* Отам тасбеҳни хўжакўрсинга, эрмак учун ё беҳуда кўтариб юришни қариқ кўрардилар.  
Фақат уни зикрлардан иборат вирдларини санаш учун ишлатардилар. “Айрим одамлар,  
тасбеҳ ишлатиш бидъат, ҳаром дейишади. Бунинг ҳақиқати қандай?”, десангиз, жавоб  
қуйидагича: “Албатта Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга бир кунда юз марта  
тасбеҳ айтишга тарғиб қилганлар. Муслим “Саҳиҳ”ларида шундай ворид бўлган. Бу  
одамларга энди айтиш: Бу санокни аниқлашнинг қандай йўли бор? Уларнинг саволингизга  
берган таклифи қандай бўлмасин, бидъат саналади. Чунки суннатда бунинг йўли  
ўргатилмаган. Энди бир восита билан бошқасининг ўртасини фарқлаш эса ботил ишдир.  
Агар бу одамларнинг ақли бўлганда эди, ислом шариатида “Матлуб фақат у билан том  
бўладиган нарса ҳам матлубдир”, деган қоидани билган бўлардилар.

Масалан, бомдод намозига уйғонишим матлуб бўлса ва бу матлуб будильник  
(ўзбекчасини тополмадим, тарж.) ёрдамида амалга ошадиган бўлса, будильникдан  
фойдаланишим матлуб бўлади. Ақллилар бу каломни идрок этишади ва қўллаб-  
қувватлашади. Бу баъндан кейин ҳам уни кўрмаганга олганларни билингки, улар фитна  
бозорига даллоллардир. Бундан ва улардан эҳтиёт бўлинг!!”

Отам роҳимахуллоҳнинг ёдлаб, такрорлаб юрадиган дуоларига кўшимча, руҳиятларидаги Аллоҳдан хавф, Уни улуғлаш ва Унга сано ҳисларини таъбир этадиган бошқа дуолари ҳам бўларди.

Соатлар, вақтлар ўтар, унда узундан-узоқ дуолар қилардилар, Аллоҳга тўхтовсиз сано айтардилар. Мана шундай вақтларнинг энг хоси пайшанба кунининг жума оқшоми, Қуръонни хатм қилганларида бўларди. Уни кўпинча ярим тунда хатм этардилар. Бу пайтда кичик ҳужраларида ўзлари билан ва атрофларида ҳеч ким бўлмасди. Аллоҳга хоҳлаганларича дуо қилардилар. Шунда ўзларини йўкотадиган ғаройиб ҳолатга ҳам тушиб қолардилар. Мен кўшни хонада ухлаётган пайтимда ана шундай ҳолатларидан кўпинча уйғониб кетардим.

Отамнинг турли кўринишдаги дуолари ва алвон муножотлари бўлиб, уларни ўз хатлари билан бир китобчага жамлагандилар. Афтидан отам уларга мурожаат қилиб, махсус вақтларда ўқирдилар.

Отам муайян вақтларда Раббиларига множот қиладиган ушбу дуоларнинг айримларини ҳурматли ўқувчига тақдим этсам яхши бўлса керак. Улар отамнинг яширин шуурларини, Аллоҳ азза ва жаллани етук улуғлашларини ва гўзал саноларла шуқр қилишларини таъбир этишда яхши восита бўлади, деб ўйлайман. Мен уларни қандай бўлса шундайича, қўлёзмаларидан айнан нақл этаман.

Дуоларидан бири мана бу: “Аллоҳим Сенга азалдан тортиб абадгача, осмонлар ва ер аҳли ҳамдича ҳамд бўлсин! Нега шундай ҳамд айтмайин, ҳолбуки Сен Ҳақиму Раҳимсан! Ғанийю Каримсан! Алимун Ҳалимсан! Эй Парвардигор, агар аъзоларимнинг ҳаммаси оғиз бўлса, ҳамма халқинг оғзи миқдорича тил бўлса, барча аъзоларим қўл бўлсаю, дарахтларнинг бари қалам ва денгизлар сиёҳим бўлса, сўнг Сенга ҳамма тил билан сано айтсам, ҳамма қўл ва қалам билан ёзсам, балки ҳамма кўзлар менинг кўзларим бўлсаю, сўнг улар билан сифатларингга ишора қилсам. Шундаям қалбим совимайди ва Сен ҳақли бўлган санонинг энг озига ҳам етишолмайди.

Эй Ўзидан бошқаси қадрини билмайдиган Зот! Эй восифлар сифатига етишолмайдиган Зот! Сен ҳар нарсанинг холиқи бўлсанг ва ҳар нарсанинг Валийси бўлсангу, мен қандай қилиб Сенга сано айтай? Қандай қилиб маърифатинг ҳаққичалик таний олай? Мен ожизман!

Аллоҳим, ҳабибинг, сафийинг, халилинг, оми ва мухтор пайғамбаринг, муқаррабу аброрлар ўртасидан сенга муқаддам расулингга ва унинг олига ва хайрли саҳобаларига Иброҳим ва олига берганингдек, яхшилардан бирортаси етолмайдиган салавот ва саломларни қиёмат кунига қадар доимий ва узлуксиз етказгин! У салавот ва саломлар Муҳаммаду Аҳмад ва яна бошқа исмлари мазмунида шомил нарсалардан хабар берсин! Қиёмат куни уни Ўзингнинг ҳузурингдаги муқарраб манзилларга, аброрлар манзилидан юқорига етиштиргин!

Эй поко Илоҳий! Сенга санони санолмайман! Мен Сенга, Улуғлигингга ва Буюклигингга иймон келтирганман. Лекин умрим сафоҳатда ва жаҳолатда ўтди. Энди нима қилишни билмайман. Ҳол ҳам, қувват ҳам фақат Ўзингдан! Ўзимга фойдага ҳам, зарарга ҳам моликмасман! Пешонам Қўлингга, истаганинг ва хоҳлаганингча тасарруф этасан!

Ё Парвардигор, бугун дўзах аҳлига: “Йўқолинглар ва гапирманглар”, дейиладиган қиёмат куни эмас. Бугун дунё, тавба ва Сенга қайтиш замони. Тавбамни қабул қил, эй Таввоб!

Заифлигимни диндаги қувватга алмаштир! Мени кучли, ақлли ва тақводор мўминлардан қилгин! Эй Парвардигор! Менга Сендан ўзга Холиқ ҳам, Молик ҳам, Фойда берувчи ҳам ва ё Зарар берувчи ҳам йўқдир! Ўзинг рози бўладиган томон пешонамдан туггин! Эй Парвардигор!

Фазл Сендан ва Сенгадир! Эй Парвардигор, умидим, агар менга Сен раҳм қилмасанг, ким Раҳмон унда? Эй Парвардигор, Агар сен (айбимни) яширмасанг, ким Саттор унда? Эй Парвардигор, Сенинг Афувв (Афв қилувчи), Ғофур (Кечирувчи) ва Саттор (Яширувчи) исмларинг билан афв қилишингни, кечиришингни ва барча гуноҳу адашувимни яширишингни сўрайман!

Эй Парвардигор! Албатта мусулмонларнинг солиҳ ва ёмон амаллари бор. Лекин мен ўзимда Сенга тақдим этадиган солиҳ амал тополмайман. Чунки ёмон амалларим ўзи ёмон, суратда солиҳ кўрингани билан яхши амалларим эса аслида ёмон! Мен Сенга ҳақиқий ибодат қилишда ибодат этолмадим! Ҳақиқий маърифатингла таниёлмадим! Энди раҳматингдан ўзгаси қолмади. Бас, менга зулумотдан ўчмас ва тўхтамас нур томон ўтишла нажот билан раҳм қил! Эй Парвардигор! “Улар (мўминларга) «Биз (ҳаёти дунёда) сизлар билан бирга эмасмидик», деб нидо қилганларида, (мўминлар) дерлар: «Ҳа, лекин сизлар (мунофиқлик билан) ўзларингизни фитнага дучор қилдинглар ва пайт пойладинглар ҳамда шубҳаландинглар ва хомҳаёллар алдади”, дейиладиганлардан қилиб қўймагин! Эй Парвардигор, агар мен ўзимга ва ақлимга қарасам, дўзах ва жаҳаннам аҳлиданман! Агар Сенинг караминг, эҳсонинг ва бандалар учун лутфингга қарасам, иш осон эканини кўраман! Эй Парвардигор, агар мени қабул қилсанг ҳам, қабул қилмасанг ҳам, мени қалбим Сендан ўзгага солиҳ эмас! Ўзингдан бошқа мени қутқарадиган ё фойда ва зарар берадиганни топмадим! Эй эшигини бировга ёпмайдиган зот, Сени эшигингдан кетмайман!!!

Эй Арҳамар роҳимийн, эй Арҳамар роҳимийн, эй Арҳамар роҳимийн!”  
Буниси эса Раббилари азза ва жаллага сано айтиб, улуғлаб ва дуо қилиб хитоб этган бошқа муножотларидир:

“Аллоҳим, Сенга Сени таниб, маърифатинг туфайли тилдан қолган орифнинг ҳамдидек ҳамд бўлсин! Аллоҳим, Сенга гуноҳ ва ёмонликларини санаган кишининг ҳамдидек ҳамд бўлсин! Унинг гуноҳлари ер ва осмонни тўлдирганди. Сўнг Сенинг буюклигинг ва неъматингга бокди, қараса уларнинг ниҳояси йўқ. Шунда Сендан ниҳоясиз ҳаё қилди. Шу даражадаки, Сендан ҳаё ва хавф қилиб жасади бўлак-бўлак ва қалби вайрон бўлаёзди. Сўнг раҳматинг, меҳринг, афвинг ва сатрингга қаради. Кўрдикки, улар осмонлару ерни ва барча халойиқни камраб олибди. Шундагина руҳи унинг жасадига қайтди. Ана шу одамнинг ҳамдидек ҳамд бўлсин Сенга! Эй Парвардигор! Агар Сени анвои маърифатла танисак, санонинг бор синфила мен ва барча халқинг тоабат мактасак, бу ишларимиз баҳру муҳитга отганинг кичик қатрачалик бўлмас! Шу билан бирга ўша нуқта ҳам фақат Ўзингдан бўлмай. Шундай экан, ҳамд ҳам силсила бўлиб, ниҳояси ҳамдингга ожизликкача етиб боради. Эй ҳамдни ҳам, ҳамд айтувчини ҳам, унинг лафзю, маъно ва каломини ҳам яратувчи Зот! Аллоҳим, қулинг ва расулинг – оми, қураший ва арабий пайғамбар – халқ орасидан танланган Муҳаммадга, олига ва муҳожиранинг ансор хурматли саҳобаларига саловот ва саломлар бўлсин!

Аллоҳим, эй ҳамма камол билан мавсуф Зот! Эй ҳар маъруф билан танилган зот! Эй қудрати ва буюклигига қарамай гуноҳкорни раҳмат ва афв қилиши камоли ва улуғлигига, ниҳоясиз улуғлигига далолат этган зот! Сен уларни кўз очиб юмгунча халок қилишга ва янчиб ташлашга қодир бўлатуриб афв этишинг, бу ниҳоясиз камолдир. Дарҳақиқат камолингга ниҳоя йўқдир, ё зол жалоли вал икром! Гуноҳларим гарчи улкан ва санаб бўлмас кўп эсада, лекин Сенинг саховатинг, афвинг ва карамингга бокқанда, улар раҳматинг ёмғирларидан бир қатра ҳам эмасдир! Мени афв этишинг шаръан ҳам, ақлан ҳам маҳол бўлмасада, Сен хоҳлаганини қилувчи Зотсан! Эй Парвардигор, умидимни ўзимга қайтарма! Зеро, менга Сендан ўзга Парвардигор йўқ.

Сендан ўзга меҳрибон йўқ! Умид этадиганим фақат Ўзингсан! Ўзинг барча раҳмат эгасисан, ё Ғаний, ё Карим! Ё Самий, ё Алийм!”